Мустақиллик, Тинчлик, Ҳамкорлик

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг газетаси

24 ФЕВРАЛЬ, ЧОРШАНБА № 38 (543). 1993 йил.

Сотувда эркин нархда.

«БИЗ ТИНЧ ВА ОСОЙИШТА ЎҚИЯПМИЗ»

ДЕЙИШМОҚДА ТУРКИЯДА ТАҲСИЛ ОЛАЁТГАН ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

Наманган вилояти ҳокими Бургутали Рапиғалиев бошлиқ Ўзбекистон делегацияси Туркияда бўлди. Унинг таркибида ота-оналар, вилоятлар ҳокимлиги раҳбарлари, республика парламенти вакиллари бор эди. Улар Туркияда яшаб илм олаётган ёшлар ҳаёти билан яқиндан танишдилар.

Қуйида делегация раҳбари Бургутали Рапиғалиев билан бўлган суҳбат мазмуни билан танишасиз.

— Туркия тўғрисидаги таассуротингизни билишни истардик. Зеро, юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал дейишади.

— Истамбул тайёрагоҳига қўнганимизда бизга ўз юртимиздек ёқимли ҳаво ҳамроҳ бўлди. Бу тили, дили, дини бир бўлган икки элнинг яқинлигидан, албатта. Хўш, нега айнан Туркияга дерсиз?

Биз истиқлолга эришгач биринчи бўлиб таниган шу давлат бўлди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлишимизга беҳад катта ҳисса қўшди. Президентимиз илк сафарини шу буюк давлатдан бошлади ва икки томонлама аҳдлашувларга эришилди. Умуман, бу диёр беҳад гўзал, мафтункор ва жозибали экан.

— Делегация раҳбари сифатида айтинг-чи, дўст мамлакат сафаридан асосий мақсад нима эди?

— Сизга маълум, Ўзбекистоннинг икки мингга яқин фарзанди шу мамлакатда яшамоқда, таҳсил олмоқда. Бу ёшлар Ўзбекистон деб аталмиш буюк давлатнинг келажагидир. Улар холидан хабар олиш, моддий ва маънавий кўмаклашиш бизнинг бурчимиз.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси 1992 йил 2 декабрда «Туркия республикаси ўқув юртларида таълим олаётган ўзбекистонлик ёшларга ёрдам кўрсатиш тўғрисида» қарор қабул қилган эди. Қарорга илова қилинган 11 банддан иборат тадбирда ёшларимиз ҳаётини ҳар томонлама қулайликлар билан қамраб олиш белгиланган эди. Бизнинг Туркияга сафаримиз ўша тадбирнинг бир шарти бўлиб, болаларимиз қалбига илиқ меҳр ташлаб қайтиш эди. Бу хайрли иш эсда қоларли даражада бажарилди.

— Илк бор юртдошлар билан учрашганда кечган ҳиссиётлар билан ҳам танишиш истагидамиз...

— Биз уч гуруҳга бўлиниб, Анқара, Истамбул, Измирга йўл олдик. Гапиришга тил ожизлик қилади. Тайёрагоҳдами ёки бошқа шаҳар марказларидами, белгиланган жойларда фарзандларимиз бир ҳил — бежирим кийинган ҳолда қувонч билан кутиб олдилар. Ота-оналар ўз жигарларини бағрларига босдилар. Уларнинг ҳар бирига Президентимиз мактуби топширилди. Бундан ташқари уларга Ислом Абдуғаниевичнинг совғалари, вилоят ҳокимликлари томонидан тайёрланган моддий кўмаклар ҳам тарқатилди. Ҳар бир ёшга шундай бахт насиб этсин, дегим келади.

Миллий таълим «бакани»да бўлганимизда бошимиз осмонга етди. Вазир Коксал Топтан «Ўзбекистонлик қизлар ва йигитлар илмга чинданда чанқоқ, ўз ватанига, Президентига беҳад, садоқатли, меҳрли, меҳнатсевар, одобли, ҳаёли» деб таъкидлади. Яна шу нарсани ҳам мамнунлик билан айтдики, фарзандларингиз бошқа жумҳурият болаларидан одобу аҳлоқда, меҳнатсеварликда ажралиб туришади. Буни эшитган делегациямиз аъзолари болаларимиздан беҳад миннатдор бўлишди.

— Туркияда бизнинг ёшлар қандай яшаяпти ва ўқишяпти?

— Ўзбекистонлик 1815 нафар ўғил-қиз коллеж, дорилфунун ҳамда докторлик гипидаги илм масканларида таҳсил олишяпти. Уларнинг деярли барчаси бу йил тилни мукаммал ўрганиш билан банд. Янги ўқув йилидан эса ўз мутахассисликлари бўйича машғулот олишади.

Болаларимиз тиришқоқ эмасми, турк тилини худди она тилидай гапиришади. Яшаш шароитлари яхши. Навбатчилик қатъий. Вазирликнинг хорижий давлат толиблари ҳаёти билан шуғулланувчи Османа хоним оналарча меҳрибондир. Хоним бизнинг делегациямизни меҳмондўстлик билан кутиб олди ва ота-оналарга яхши шароитлар яратиб берди.

— Делегация таркибидаги фаол аъзолар фаолиятига ҳам тўхталсангиз.

— Ўзбекистон Олий Кенгаши фахрийлар ва ёшлар сиёсати ишлари бўйича Қўмита раиси Алишер Аъзамхўжаев, қўмита аъзоси Воҳид Исломбоевлар ёшлар ўртасида ватанга, халққа садоқат мавзусида суҳбатлар ўтказишди. Марказий шаҳарларда ўғил-қизларимизни тўплаб дилдан гурунглашишди.

Мавлудахон Асалхўжаева бошлиқ «Асал» дастасининг чиқиши юртдошларимизни беҳад қувонтирди. Ота Турк дорилфунунида ўтказилган йиғилиш умрбод эсдан чиқмайди. Бу ерда ўқувчиларга мустақил Ўзбекистон байроғи топширилди. Куйга-куй, рақсга-рақс уланди. Фарзандларимиз роса яйрашди. Ўйнамаган одам қолмади.

Неъмат Алимбеков тайёрлаган ўзбек ҳамда турк миллий таомлари базм қатнашчиларини роса қувонтирди. У турк овқатлари пиширишнинг ҳам ҳадисини олган экан. Ошхоналарда ўз таомларимизни қандай тайёрлашни ҳам ёшларимизга кўрсатди. Умуман, менинг тасаввуримда делегация иштирокчиларининг ҳаммаси самарали ишлади...

Ота Туркнинг волидаси Зубайрахоним номидаги қизлар лицейи бошлиғи Азиза хоним қизларимизга

(Давоми 2-бетда).

1763 ХОНАДОНГА ТАБИИЙ ГАЗ КЕЛДИ



СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ. Ангор, Термиз, Қизириқ, Музробод ва Жарқўрғон ноҳияларининг қишлоқларига табиий газ келтирилди. 5-механизациялашган кўчма колонна ишчилари 444 километр жойга газ қувурлари ётқиздилар. Бу билан қишлоқ аҳолисининг 1763 хонадони газлаштирилди.

Айни пайтда ҳам вилоятда қишлоқ аҳолиси турмуш фаровонлигини ошириш учун кўплаб тадбирлар амалга оширилябти.

СУРАТЛАРДА: 1. Пайвандчилар Марат Муҳамедов (чапда) ва кранчи Алиқ Санғиновлар. 2. 5-механизациялашган кўчма колонна ишчилари Термиз ноҳиясида газлаштириш ишларини амалга оширмоқдалар.

И. ХЎЖАЕВ олган сурат.

• Бозор чорраҳасида

ТОШКЕНТ—ОМСК ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИ

Тошкент вилоятининг ҳокими С. Сайдалиев бошчилигидаги ҳокимлик мўътабар делегацияси Россиянинг Омск вилоятига бориб келди. Ташриф якунлари юзасидан савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид бир неча шартнома имзоланди.

— Вилоятларимиз ўртасида турли соҳалардаги, жумладан, иқтисодиётдаги алоқалар анъана тусига кириб қолган —дейди Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари А. Абдувосиқов.— Икки йил муқаддам имзоланган шартномалар мажмуи ўз кучида турибди. Аммо собиқ Иттифоқдаги республикалар мустақилликка эришиб, бозор иқтисодиёти изига ўтиши муносабати билан алоқаларимизга анча-мунча тузатишлар киритиш зарурати туғилди. Вужудга келган алоқаларни асло узиб бўлмайди. Ҳозир фаол ҳамкорликни йўлга қўйиш мустақил давлатлар иқтисодиётини юксалтиришнинг бирдан-бир йўлидир. Сафаримиз давомида бир неча битим имзоланди. Тошкент вилоят тайёрлов-савдо бирлашмасининг Омскдаги касбдошлари билан тузган шартномасида ўзаро ҳисоб-китобларни мол айирбошлаш орқали амалга ошириш назарда тутилади. У ерда бизнинг деҳқончилик маҳсулотимизга, сабзавот-мева консерваларига, вино ва мусаллаcга жуда қизиқмоқдалар. Омскдан эса бизга ёғоч ва тахта, гўшт, картошка, дон, шунингдек ёнилғи-мойлаш материаллари юборилади. Кўкламги экиш-тикиш даврида бу маҳсулотлар бизга жуда зарур.

Бозор муносабатлари бошқа мамлакатлардаги иқтисодий ҳамкорлар билан ўзаро алоқани ривожлантиришга янгича ёндошишни тақозо қилади. Тошкент вилояти ҳам айни шу йўлдан бормоқда. Мол айирбошлаш орқали алоқа қилиш — энг яхши йўл эмас, албатта. Шу сабабли бизнинг делегациямиз Омск томони билан биргаликда икки йил аввал тузилган шартнома муддатини 1995 йилгача узайтириб, унга бир неча янги модда қўшди.

Янги моддаларда мол айирбошлашга эмас, балки банк ташкилотлари орқали тезроқ ҳисоб-китоб қилишга асосий эътибор берилган. Бунинг учун алоҳида ҳисоб-варақаларининг очилиши ўзаро мол етказиб берилиши устидан назорат қилиш самарадорлигини оширади. Икки вилоят раҳбарлари ўртасида Тошкент ва Омскда ўз ваколатхоналарини очиш ҳақида бир тўхтамга келинди. Мол ташиш, алоқа масалалари ҳал этилди.

Тошкент вилояти Россиянинг бошқа минтақалари — Новосибирск вилояти, Олтой, Красноярск ўлкалари билан ҳам амалий алоқаларни йўлга қўймоқда. Украина ва Беларусдаги вилоятлар билан ўзаро фойдали ҳамкорлик бошлаш ҳақида ҳам музокаралар олиб борилмоқда.

П. НИШОНОВ,
В. ДРАЧЕВ,
ЎзА мухбирлари.

• «Наврўз-93» хайрия сафари

ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚЛАР ОША МЕҲР УЛАШИБ...

Жаҳондаги энг нуфузли саҳоватпеша ташкилотлар, уюшмалар Оролбўйи минтақасининг жабрдийда халқларига моддий ёрдам қўлини чўзмоқдалар. Турли хорижий мамлакатлардан хайрия совғалари тўхтовсиз келиб турибди. «Наврўз» жамғармаси ҳам шу кунларда хайрли ишга қўл уриш арафасида. Мухбиримиз анъанавий Наврўз байрами олдидан ўтказиладиган бу тадбирни шарҳлаб беришни илтимос қилиб Оролни асраш қўмитаси раиси Пирмат Шермуҳамедовга мурожаат этди.

— ЯҚИНДА ёқимли хабар эшитдик: «Наврўз» ҳайрия жамғармаси Оролни асраш қўмитаси билан ҳамкорликда Қорақалпоғистон Республикаси туманлари ва Хоразм шаҳар-қишлоқларида «Наврўз кунлари» ўтказишни режалабди.

— 5—12 март кунлари Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг айрим туманларида «Наврўз кунлари»ни ўтказиш учун анча илгари бошлаган тайёргарлик ишлари ниҳоясига етди.

Бу байрамнинг «Наврўз» ҳайрия жамғармаси билан Оролни асраш қўмитаси ҳамкорликда ўтказаётганининг рамзий маъноси ҳам бор. Гап шундаки, сафар кунларида Орол денгизи фожиасидан азият чекаётган жуда кўп ночор ва муҳтож оилаларга моддий ёрдам кўрсатилади.

— Сафар давомида кимошди савдоси ҳам уюштирилади, деб эшитдик.

— Шундай. Умуман белгиланган тадбирларимиз ранг-баранг, «Наврўз» ҳайрия жамғармаси дастурга кўра Хева шаҳрида катта кимошди савдоси уюштиради. Унга «Москвич» енгил автомашиналари, турли кийим-кечаклар қўйилади.

Оролни асраш қўмитаси ҳам ўз имкониятлари ва саркояларига яраша ҳайрия тадбирларида қатнашади. Хоразм вилоятидаги ота-онасиз етим-есирларга, моддий ёрдамга муҳтож хотин-қизларга кийим-кечаклар, ногирон болаларга эса ғилдиракли аравачалар тарқатилади.

Шу ўринда мен бир нарсани алоҳида таъкидлашни истардим. Бу ерда гап фақат садақа ҳақида эмас, аввало, инсоний меҳр-оқибат, самимийлик хусусида бормоқда. Бу шунчаки баландпарвоз сўзлар эмас, мен Мўйноқ шаҳрини назарда тутаяпман. Орол фожеаси хусусида гап очилса, энг аввало, Мўйноқнинг бугунги ночор табиати, азият чекаётган одамлари кўз олдимизга келади. Бизнинг қўмитамиз Мўйноқнинг Учсат маҳалласида яшовчи оилаларга баҳолиқудрат моддий ёрдам кўрсатишни режалаштириб қўйган. Дадахон Ёқубов бошчилигидаги «Наврўз» ҳайрия жамғармаси билан бирга Орол фожеаси туфайли зарар кўрган аҳолига совға-саломлар улашмоқчимиз.

— Мақсад фақат муҳтожларга хайриялар улашиш бўлмаса керак!

— Сафарга «Икарус» автобусида чиқамиз. Бизга таниқли санъаткорлар ҳамроҳ бўлишади. Шаҳар ва туман марказларида ўтадиган байрам тантаналарида улар, албатта, хизматда бўладилар. Бундан ташқари қайси қишлоқ ёки маҳаллада тўхтамайлик, у ерлардаги Наврўз сайилларида қатнашамиз.

Кўриб турибсизки, сафаримиздан мақсад етим-есирлару муҳтожлар кўнглини овлашдан ташқари, унитилган қадриятларнинг, миллий анъана ва ибратли маросимларнинг тезроқ қайта тикланишига ҳисса қўшишдир.

А. ЙЎЛДОШЕВ,
суҳбатлашди.

• Долзарб мавзу

ХОРИЖИЙ ТАЛАБАЛАР ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЎҚИШНИ ДАВОМ ЭТТИРИШМОҚДА

«Останкино» Радиотелекомпаниясининг «Утро» программаси 18 февраль куни берган ахборотда Ўзбекистонда собиқ СССР Давлат комитетининг йўли билан ўқишга юборилган хорижий талабалар учун гўё ўша кундан бошлаб машғулотлар тўхтатиб қўйилган эмиш.

Маълум бўлишича, бу гап ҳақиқатга тўғри келмайдиган уйдирмадир. Шу муносабат билан Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг илтимосига кўра, Республика олий ва ўрта махсус таълим вазири, академик Ж. АБДУЛЛАЕВ «Останкино»дан ўқилган хабарни қуйидагича шарҳлаб берди:

Афсуски, биз қаердан олингани номаълум бўлган андишасиз, баъзан эса ғирт ёлғон хабарни биринчи бор эшитаётганимиз йўқ.

Хўш, гап нимада ўзи? Ҳозир республика олий ўқув юртларида собиқ СССР Давлат таълим комитети йўли билан чет эллардан юборилган 1865 нафар талаба таълим олмоқда. Уларни ўқитиш ва боқиш учун Ўзбекистон ой сайин салкам юз миллион сўм сарфламоқда. Хорижий талабалар арзон нархда овқатланмоқдалар ва транспорттдан фойдаланмоқдалар, шинам ётоқхоналарда яшамоқдалар. Яъни улар республиканинг барча талабалари қатори ижтимоий ҳимоя қилинмоқда.

Бошқа давлатлар каби Ўзбекистоннинг ҳам иқтисодий аҳволи — ҳозирча оғир. Шу сабабли биз 1992 йилда олий ўқув юртларимизга талабалар қабул қилишни 30 фоизгача қисқартиришга мажбур бўлдик. Республикада халқаро ҳуқуқ, халқаро иқтисодий муносабат ва бозор иқтисодиёти мутахассислари етишмаслигини эътиборга олиб, бултур жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ташкил қилинди. Бу университетда ҳақ олиб ўқитилади, унда таълим олиш ҳозирги нархларда 200 минг сўмдан ошади. Шу тарика мутахассислар тайёрлаш борасида ҳам бозор муносабатларига ўтила бошланди, дарвоқе, «Останкино» телекомпаниясининг ўзи ҳам ҳар куни шу руҳдаги хабарларни бериб бормоқда.

Хорижий талабаларга шуни айтиш керакки, улар ўқишни давом эттиришмоқда. Ўзбекистонда ҳар йили аспирантура ва докторантурага шартнома асосида қабул қилинмоқда, уларда таълим олаётган мутахассислар сони кўпаймоқда. Аспирантура ва докторантурада таълим олаётганлар ҳам давлатимизнинг шу тоифадаги ўқувчи ёшларга бериб қўйган барча имтиёзларидан фойдаланмоқда. Бундан ташқари Ўзбекистон халқаро муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш қоидаларига биноан янги шартнома шартлари асосида хорижий талабаларни тобора кўпроқ қабул қилмоқда.

1992 ўқув йилининг бошларидан эътиборан биз таълим ва мутахассислар тайёрлаш масалалари юзасидан шартномалар тузиш, бу масалаларга янгича ёндашиш ҳақида бизга талаба юборган мамлакатларнинг элчихоналари билан музокара бошладик. Кўпгина давлатлар билан ҳозиргача мана шундай ўзаро манфаатли шартномалар тузилди. Бу соҳадаги иш, шу жумладан Ўзбекистоннинг Москвадаги элчихонаси орқали ҳам давом эттирилмоқда. Бизнинг у ердаги мухтор вакилларимиз кўпгина мамлакатларнинг элчихоналари билан музокара қилмоқдалар. Шу дамгача биз Республика олий ўқув юртларида мутахассислар тайёрлаш хусусида бир қанча қизиқарли ва манфаатли буюртмалар олдик.

Гарчи хорижий талабаларни ўқитиш эвазига олинган валюта тушумлари собиқ СССРнинг ҳуқуқий вориси бўлмиш Россия ҳукуматининг ихтиёрида қолган бўлса ҳам, Россия Федерацияси бу талабаларнинг келгусидаги тақдирига тааллуқли масалани ҳал қилишдан четда турганлиги хусусида таассуф билдирмоқ керак.

Мана шундай шароитда «Останкино» телекомпаниясининг туҳматдан иборат уйдирмалари бизни ғазаблантиради.

Яхши ишлар ҳақида ломмим демасдан, халқ орасида ёлғон хабар тарқатишга берилишни номаъқбул иш деб ҳисоблаймиз. Шу тарика «Останкино» Минск аҳдлашувларини бузмоқда. Ўша аҳдлашувларга биноан МДҲ давлатларидаги ишларнинг аҳволи ҳақида телетомошабинларни холисона хабардор қилиш унинг ишидаги бош мезон бўлмоғи лозим.

Хўш, «Останкино» телекомпанияси кимнинг буюртмасини ва қай мақсадни кўзлаб бажармоқда, деган саволни бериш ўринлидир.

ФАХРИЙЛАР УЧРАШУВИ

Уруш ва меҳнат фахрийлари Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари музейида учрашдилар. Учрашув қатнашчилари орасида гвардиячи полковник Петр Чирва, Аъзам Хўжаев, Тоҳир Қурбонов, Улуғ Ватан Урушининг бошқа қатнашчилари бор эди. Улар Ўзбекистоннинг умумий ғалабага муносиб ҳисса қўшгани ҳақида ҳикоя қилдилар, ўз хотираларини сўзлаб бердилар.

Сўнгра музей залида уруш тўғрисидаги ҳужжатли фильмлар намойиш қилинди. «Хотира» фильми Совет Иттифоқи Қаҳрамони, республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби, истеъдодли рассом Самиг Абдуллаев ҳақида ҳикоя қилади. Уруш бошланганида у Симферополда эди. Кейинчалик рассом бундай деган эди: «Менинг йўлим уруш орқали ўтди...» Узоқ давом этган шафқатсиз уруш унинг ҳаётида ўчмас из қолдирди, рассомнинг ижодида акс этди. Ярим асрдан кейин ҳам рассом уруш мавзусига бир неча бор қайтди, ўз асарларида қуролдош қаҳрамонларнинг образларини яратди, ўзи иштирок этган жанг манзараларини тасвирлади. Самиг Абдуллаев Украинада, Шимолий Кавказда, Қримда бўлган жангларда, Севастополни озод қилишда, Сапунгарага ҳужум қилишда қатнашди. У мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатди. Ўзбекистонлик жангчи деган номни шараф билан оқлади.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

ТАНГА МУОМАЛАДАН ЧИҚДИ, ТАКСОФОН ТЕКИН БЎЛДИ

БУХОРОДАГИ уч юздан зиёд таксофон хизмати текин қилиб қўйилгач, улар ойига 100 минг сўм зарар келтирмоқда.

ШАҲАР автомат телефон тармоғи муҳандиси М. Ҳайитовнинг таъкидлашича қараганда, танга пуллар муомаладан чиқиб кетгач, шундай қилишга мажбур бўлишди. Аввалига махсус жетон жорий этишни мўлжаллаб кўришди. Бироқ ҳаражатлар қопланмай, барибир зарар кўрилар экан. Ундан кўра аҳолига қулай бўлсин учун таксофон хизматини текин қилиб, зарарни вилоят алоқа бошқармаси даромадларидан қоплаш маъқул топилди.

БОЗОРГА КИРАСИЗМИ, ЎН СЎМ ТЎЛАНГ

ФАРҒОНА шаҳридаги Тожихон Шоднева номли бозорга келган сотувчи ҳам, олувчи ҳам 10 сўм тўлаб чипта олиши шарт.

БОЗОРГА маҳсулот сотиш учун келганлар ҳар бир метр жойни 30 сўмга ижарага олади. Шу тарика тўпланадиган маблағнинг ярми бозорни ривожлантириш, қулай шароитлар яратишга, қолгани шаҳар бюджетига ўтказилиб, ободончилик тадбирларига сарфланади.

Шаҳар ҳокимлигининг бу фармойишидан ногиронлар, уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийлари ва ёш болалар истисно, холос.

• *Депутатлик ҳаловат эмас*

ДИЛДАГИ НИЯТЛАРГА ҲАМОҲАНГ БЎЛГАН УЧРАШУВ

Яқинда Президент Ислом Каримов Тошкент шаҳар маҳаллаларининг вакиллари, оқсоқоллар ва зиёлиларнинг бир гуруҳини қабул қилди. Ҳаётимизнинг турли жабҳаларида фаолият кўрсатаётган халқимизнинг бу вакиллари орасида Ўзбекистон Республикаси халқ депутати, Халқаро муҳандислик академиясининг мухбир аъзоси, Тошкентдаги «Конструктор» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Абдували Ғуломмаҳмудов ҳам бор эди. Абдували ака билан суҳбатимиз ана шу унутилмас учрашувдан олинган таассуротлар ҳақида бўлди.

— Аввало шу нарсани таъкидлаш керакки, бизнинг оғир шароитларда ёш, мустақил давлатни бошқариш осон иш эмас. Дунёнинг турли минтақаларидан келиб турган яхшиёмон хабарларни эшитяпмиз. Шундай бир вазиятда мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш учун қанчалик куч, ғайрат, билим ва ирода кераклигини тасаввур қилиш мумкин. Ҳар қандай раҳбар ҳам, аввало, инсондир. У ҳам ўз шахсий ҳаёти, руҳий кечинмаларига эга. Демак, у ҳам одамларнинг меҳрига, кўмагига ташна бўлади. Ўз маслакдошлари билан дилдан суҳбатлашиш ҳам кишининг руҳини тетиклаштиради, ўзига бўлган ишончини орттиради ва янги эзгу ишларга илҳомлантиради.

Бу ажойиб учрашув Тошкент шаҳар ҳокимининг ташаббуси билан уюштирилди ва халқимизнинг дилидаги ниятларига жуда ҳамоҳанг бўлди. Чунки республикамизда истиқомат қилаётган ҳар бир соғлом фикрли киши Ислом Каримовга олиб бораётган изчил сиёсати учун ўз миннатдорчилигини изҳор этиш умидидадир.

Халқимиз тақдирига боғлиқ ўта муҳим ишлар билан банд бўлган Президентимиз бизни жуда яхши кутиб олдилар. Ташрифимиз боисини айтганимиздан кейин янада қувониб кетдилар. Оқсоқолларни бир пиёла чойга таклиф этиб, чин кўнгилдан қизғин суҳбатни бошлаб юбордилар. Халқимиз бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилиши кераклигини таъкидлаб ўтдилар.

Тожикистонда бўлиб ўтган воқеалар тўғрисида ҳам ташвишланиб гапирилди.

Ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда маҳаллаларнинг аҳамияти беқиёсдир. Мустақил давлатимизнинг гуллаб яшнаши, миллатимизнинг диёнатли бўлиши учун маҳаллалар фаолиятини кучайтириш лозим.

1-Яккасарой маҳалла қўмитаси раиси Ориф Хожи Алимахсумов ва республика Маҳалла жамғармасининг раиси Шукур Темуров учрашув иштирокчилари, халқимиз номидан Ислом Каримовнинг таваллуд кунлари билан муборакбод этдилар.

— Абдували ака, юқорида маҳаллаларнинг аҳамияти ҳаётимизда қанчалик катта эканлигини айтдингиз. Сиз депутат этиб сайланган округдаги маҳаллаларда аҳвол қандай?

— Бизнинг маҳаллаларимизда турар жой биноларидан ташқари кўпгина корхоналар ҳам бор. Одатда, ишлаб чиқариш чиқиндилари атроф-муҳитни бузади. Ишни энг аввало, корхоналар атрофини тозалашдан бошладик. Бизда алоқага тегишли корхоналар кўп бўлгани учун республика Алоқа вазири Комилжон Раҳимовга мурожаат қилдик. У кишининг тез ҳаракатлари билан барча камчиликлар бартараф этилди.

Ҳамма маҳаллаларда канализация ишларини якунлаяпмиз. Юнусобод район ҳокимлиги билан ҳамкорликда маҳаллаларнинг ўзида кичик корхоналар очиб ишсизларни иш билан таъминлаш масаласи ҳал этилмоқда. Шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармасининг бошлиғи Қулаҳмад Ризаев бошчилигида 17-шаҳар касалхонасида янги реанимация бўлими ишга туширилди. Бўлимда жуда кўплаб хорижий давлатларнинг камёб тиббиёт анжомлари ўрнатилган. Касалхона бош врачи Бахтиёр Абдуллаев бўлимнинг очилиш маросимига маҳалладагиларни ҳам таклиф қилди.

— Сиз бошқариб турган «Конструктор» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг фаолияти тўғрисида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Бирлашмамиз янги технологияларни яратади ва уларни ҳаётга тадбиқ этиш билан шуғулланади. Биз жаҳон амалиётида биринчи бўлиб ачиган сутни ўз ҳолига қайтаришга эришдик. Чирчиқ, Олмалиқ сут комбинатларида шу юмушни бошқарадиган машиналаримиз ишлаб турибди. Кишилар соғлиғига зарарли бўлган кимёвий моддалар ўрнини босадиган фаол сув яратдик. У халқаро стандартларга мос келади. Бу анжом Олмалиқ, Ангрен сут заводларида технология ускуналарини тозалашда қўлланмоқда. Кам қонли болаларга зарур бўлган «Гемотаген» маҳсулотини тайёрладик. Энди уни «Ўртоқ» фабрикаси билан ҳамкорликда ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз. Қиладиган ишларимиз жуда кўп. Ўзбекистонимизда тинчлик, барқарорлик бор экан, иншоолло, ҳамма эзгу ниятларимиз амалга ошаверади.

Суҳбатни
И. ЖИЯНОВ
ёзиб олди.

«Биз тинч ва осойишта ўқияпмиз»

(Боши 1-бетда).

оналик қилаётганидан бошимиз осмонга етди. Лицейга ҳамюртимиз, исёнкор шоир Бобораҳим Машрабнинг сурати туширилган гилам топширдик. Кўзлардан қувонч ёшлари чиқди, «ура!» садолари оламни тутди...

— «Туркия — Ўзбекистон» ҳамкорлиги кенгайиб бормоқда. Бу барчага аён ҳақиқат. Мамлакатнинг Сиз раҳбар бўлган Наманган вилояти билан бевосита алоқаси қайси тармоқларда давом этмоқда?

— Аввало, илм-фан йўналишида. Наманган шаҳрида турк хусусий лицейи очилган. Унда 106 нафар бола таҳсил олмоқда. Бу ерда ўзбек, турк, инглиз тиллари чуқурлаштирилган ҳолда ўқитилади. Болаларнинг ҳаммаси иқтидорли. Энди Туркияда бизнинг вилоятдан 80 дан ортиқ йигит-қиз таълим олмоқда.

Биз иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш йўлидан бораяпмиз. Уйчи район шойи тўқиш ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзбек—Туркия «Шарқ» савдо уйи» ҳамда Туркиянинг «Самур Халилари» фирмаси муассислигида қўшма корхонага асос солинди. «Шарасхали» корхонасидан қўлда тўқилган ипак гилам чиқади. Бундан ташқари, Туркиянинг «Эйджа» фирмаси, «Наманганшартномасавдо» идораси ҳамда «Электротерм» заводи ҳамкорлигида сантехник арматура ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона қурилади.

Шунингдек, қардошлар кўмаги билан аккумулятор, целлюлоза, пахта толасидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган «Шарқ текстиль» қўшма корхоналари вужудга келтирилади.

— Мавзуга қайтсак. Сафар Сизнинг иш фаолиятингиз учун нималар берди?

— Жуда кўп нарса. Аввало, болаларимиздаги ватан туйғусини аниқ сездим. Улар ота-оналари, мустақил юртлари ҳамда Президентлари ишонч билан кутаётганликларини ҳис этишяпти. Улар билан бўлган дилдан суҳбатлар, ўйин-кулгулар менга ҳам раҳбар, ҳам оддий инсон сифатида завқ бағишлади. Фарзандларимиз Ўзбекистон ҳақида, Ўрта Осиё республикаларидаги ижтимоий-сиёсий аҳвол тўғрисида шундай кўп саволлар беришдики, уларнинг ҳаётга чанқоқлигидан қалб қувончга тўларди.

Турклар ўзбек болаларини ўз фарзандларидай кўриб қолишган. Уларни ҳамма жойда ҳурмат қилишади, иззат-икром кўрсатишади, уйларига чақириб меҳмон қилишади. Асли марғилонлик бўлган Олимбек Ойдин Измирдаги ўзбек болаларига чинакам оталик қилмоқда. У ота-оналар ташрифи учун оёғимиз остига қўй сўйди. Шуларни кўриб таъсирланмай бўладими, ахир...

— Икки дўст халққа қандай тилакларингиз бор?

— Аввало, еримиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин. Истиқлолимиз мустаҳкам, дўстлигимиз абадий бўлсин. Яхшиси, бу ҳақда бизга ҳамроҳ бўлиб борган ота-оналар, улар ҳикоясидан таъсирланган кишилардан сўранг. Менинг фикрим шундай: болаларимиз бахтига Президентимизнинг соғ-омон бўлишини аллоҳдан тилаб қоламиз.

Эслатиб ўтамиз, Наманган вилояти ҳокимлигида Туркияда ўқиётган болаларнинг ота-оналари билан учрашув бўлди. Сафар таассуротлари эшитилди. Сўзга чиққанларнинг ҳам, тинглаганларнинг ҳам қалби сел бўлди. Кўзларида ёш халқаланди. Бу республикамизда тинчликнинг барқарорлигидан, Президентимиз олиб бораётган сиёсатнинг тўғри ва одиллигидан, унинг танти ва жўмардлигидан шукрона кўз ёшлари эди.

Раҳимжон ИРИСОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

ЯНГИ ҚУЛЛАНМА

Фарғона вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг ходимаси Ҳадича Сотволдиева билан Олтиариқ туманидаги 3-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Салимахон Сотқиналиева синфдан ташқари ўқиш дарслари учун янги қўлланма яратди. «Ёмғир ёққанда» деб номланган, болаларнинг ёши, дунёқарашига мос одоб-ахлоқ, яхшилик, эгулик мавзусидаги ҳикоя ва шеърлар киритилган мазкур рисола 31 дарс соатига мўлжалланган.

ДОРИСИЗ ДАВОЛАЙДИ

Фарғона «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси тиббиёт-санитария бўлимига қарашли «Жаҳонгир» кичик корхонасида беморларни доридармонсиз даволаш йўлга қўйилди. Гап шундаки, бу ерда даромад ҳисобига замонавий «Явь-1» тиббий ускунаси келтирилди. Унинг кўмагида ошқозон ва ичак яраси, буйрак, ўт йўлларининг яллиғланиши, битиши қийин бўлган жароҳатлар, суяк синиши, таносил ва терининг сурункали касалликлари даволанмоқда.

ЕШ ПОЛВОНЛАРГА СОВҒА

Жиззахдаги «Контакт» кичик корхонаси шаҳар ёш полвонларини ажойиб совға билан сийлади. Корхона 300 дона кимано деб аталган кураш спорт кийими сотиб олиб, шаҳар мактабларига туҳфа этди.

(ЎзА мухбири).

ОЛТИНКУЛ РАЙОНИ. **Бегали ҳожи ота жумҳуриятимиз пахтачилиги ривожига катта ҳисса қўшган ҳурматли инсонлардан бири. Андижонлик уста деҳқон оддий дала ҳисобчилигидан сертармоқ, илгари «Коммунизм» номи билан юритилган хўжалик раислигигача бўлган йўлни босиб ўтди.**

У хўжаликка ўттиз йил раислик қилган. Бу бир навқирон йигитнинг ёшига тенг ахир. Ўша оғир йилларда пахта ҳосилдорлигини гектарига 19 центнердан 39 центнерга етказди. Ҳожи отанинг юздан знёд шогирдлари турли соҳаларда ишлаб, жумҳуриятимиз равнақига ҳисса қўшиб келишмоқда.

Бегали ота 7 ўғил, 2 қизнинг падари бузруквори, 40 дан зиёд набиранинг меҳрибон бобосидир. «Кўчат эккан кам бўлмайди», деб тез-тез такрорлаб туради Бегали ҳожи ота Тожибоев. Шу боис ўлкамизда кўркам боғлар кўпайиши учун қайғуради.

СУРАТДА: Бегали ҳожи ота Тожибоев набиралари Азизбек ва Санжарбеклар билан.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

ЕРДА ҚОЛГАН БОЙЛИК

ТОЖИКИСТОНнинг жанубий туманларида пахта терилмоқда.

МУТАХАССИСЛАРнинг ҳисоблашларича, ўтган йили Тожикистон пахта далаларида 1 миллион тоннага яқин ҳосил етиштирилди. Лекин фуқаролар уруши туфайли ана шу қимматбаҳо бойликнинг ҳатто ярми ҳам териб олинмади.

Жумҳурият ҳукумати раҳбарлари мамлакат иқтисодини яхшилаш учун ўта зарурлигини ҳис қилган ҳолда далалардаги ҳосилни териб олиш чора-тадбирларини белгилашди. Жумладан, терилган ҳар кило пахтага 15—20 сўмдан ҳақ тўланмоқда.

Ўринбой УСМОН,
«Халқ сўзи» мухбири.

«ПАХТАКОР» ФАЛОКАТИ: ХУШОМАД ҚУРБОНЛАРИ

«Останкино» телерадиокомпаниясининг ўтган якшанба куни намойиш этилган «Кремль деворлари ортидаги сирлар» кўрсатувида иштирок этган собиқ СССР прокуратураси махсус ишлар бўйича собиқ катта терговчиси Алексей Калиниченконинг шаҳодат беришича, Узбекистон футболининг фахри саналган «Пахтакор» командасининг ўйинчилари ва Тошкент—Минск йўналишида учаётган самолётдаги бошқа йўловчилар мустабид тузумнинг қурбони бўлган экан. Терговчининг айтишича, ўша замонда чексиз ҳокимиятга эга бўлган КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби Леонид Ильич Брежневнинг шахсий самолёти осмонга кўтарилган пайтда унинг йўлида учраши эҳтимол тутилган самолётлар (туридан қатъи назар) уриб туширилиши ёхуд учиш баландлигини ўзгартириши шарт эди. Бош котибга хушомад қилишга доимо шай турган ҳарбий-ҳаво кучлари генералларининг буйруғига биноан Тошкент—Минск йўналишида учаётган самолёт учиш баландлигини (11.100 метр) ўзгартиради, натижада 1979 йилнинг 11 августида 5000 метр баландликда учаётган бошқа самолёт билан тўқнашади. Миллионлаб мухлисларнинг қалбини ларзага солган машъум фалокат шу тарзда содир бўлган экан.

(ЎзА).

• *Тарихингдир минг асрлар ичра пинҳон ўзбегим...*

МУҲАММАД ТАРАҒАЙ ЮРГАН БОҒЛАР

Кимки бирон саҳрони обод қилса ёки кориз қурса, ё бирон боғ кўкартирса, ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, учинчи йили қонун-қоидага мувофиқ хирож йиғилсин.

Амир ТЕМУР.

Араб тарихчиси ибн Арабшоҳ Самарқанд яқинидаги Конигилда Улуғбек ва Темурнинг бошқа неваралари никоҳ тўйини шоирона завқ-шавқ ва шарқ муарриҳига хос жозиба билан таърифлаган эди: Соҳибқирон Самарқанд аҳлига зебу-зийнатга ўралишни, улар устидан жабру-ситамларни кўтариб, солиқ ва тўловлардан озод қилишни, уларга ёмонлик бисотини ёзишни, аҳолидан каттаю-кичик, юқориқуйи табақадаги кишиларга фазлу-эҳсон билан муомала қилишни, ўз ерларида қилич яланғочламаслик, зулм ва ноҳақлик жорий қилмасликларини ҳамда Самарқанд аҳлига зеб-зийнатлари билан шаҳар этагида, бир милда жойлашган Конигилга чиқишларини амр қилди. У жойнинг ҳавоси мушкдан ҳам соф, суви қанддан ҳам ширин бўлиб, жаннат бўстонидан ажратиб олинган бир қатъадир, жаннат мутасаддийси ризвон ундан ғафлатда қолган. Мен дедим:

У боғда турк оҳуси
дармана (ўти)ни еб ўтлади,
Натижада, мушк бу оҳу қонининг бир қисми бўлиб қолди.

Меъморчиликнинг узвий қисми бўлган Темурийлар даври боғлари Улуғбекнинг ҳам боғларидир. Буюк мунажжим боғи Дилкушо, Давлатобод, боғи Чинор, боғи Майдон ва бошқа чаманзорларни кезган, уларнинг мусаффо ҳавосидан нафас олган, кўнглига ғўзаллик нашъу намосини туйган. Айни вақтда у ўзи ҳам боғбон бўлган, боғ яратган. Тарихий манбаларда Мирзо боғчаси деб тилга олинадиган истироҳатгоҳни хаёлимизда жонлантириб кўрайлик. У Чўпонота этагида бўлган ва боғи майдонга туташиб кетган эди. Боғчанинг ўртасида ҳовуз ва фаввора бўлиб, унинг теварагига мармар оникси ётқизилган, бир ярим метрлик девор билан ўралган, Қўшклар, супалар, довдарахтлар қуршовида, чор атрофда эса анвойи гуллар очилиб турган, мевали дарахтлар, кўркам серсоя дарахтлар ва гуллар навлари шу тариқа дид билан танлаб олинган эдики, бири гул ташлаганида, иккинчиси қийғос очиларди. Кўҳна китобларда боғбонларнинг номи тилга олинмайди ҳисоб, лекин биз ибн Арабшоҳ асарида Шаҳобиддин Аҳмад Зардакаший исми шарифларини учратдик. Бу зоти киром сингари юртга яшил либос кийдирган мавлонолар номи асрлар қатида қолиб кетган. Тарихимизнинг муборак саҳифалари ўқувчилар кўз ўнгида янгитдан намоён бўлаётган ҳозирги даврда боғдорчилик санъатининг сарбонлари номлари тиклансa ажаб эмас.

Темурийлар даврида Самарқанду Бухоро, Ҳироту Қобул, Аграю Деҳлидаги боғларнинг довруғи оламга таралди. Боғдорчилик назарияси ва амалиёти баён этилган асосий дастурлардан бири «Иршод оз зиръа» рисоласи бўлган. Ҳар бир боғнинг бир хислатини эслатиб, уларга таъриф-тавсиф беришга бир уриниб кўрайлик-чи.

Самарқанддаги боғи Баланд — Чўпонота мақбарасининг ён-верида Амир Темур барпо қилган боғ. Бу тенги йўқ масканни бунёд этишда Эрон, Озарбойжон ва бошқа мамлакатлардан етук меъморлар таклиф қилинган эди. Бу ерда Табриз мармарлари ярқираб турган. Анжирзор, узумзор ва олмазорлар боғнинг ҳуснига ҳусн қўшган. Боғ ҳозир ҳам эл орасида машҳур.

Бобурнинг Одинапурдаги «Боғи вафо»сида банан пальмаси ва шакарқамиш яшнаб турган. Бедапояларда анор ва пўртаҳол қийғос гулга кирарди. Заҳириддин Бобур Марказий Осиёдаги мевали дарахтларни Ҳиндистон заминига кўчириш йўлида кўп саъй-ҳаракат қилган.

Ҳиротдаги султон Ҳусайн ва Алишер Навоий боғларини санаб ўтайлик. Булар боғи Шаҳр ва боғи Сафед, боғи Марғоний ва боғи Пулисанкашон, боғчаи Шавқия ва Гузаргоҳдир. Уларнинг исми жисмидан далолат бериб турибди. Хондамирнинг ёзишича, Ихлосия мажмуидаги иморатлар ва боғ-роғларни жаҳонгашта кишилар биз кўрааю заминнинг ҳеч қаерида кўрмадик, деб гувоҳлик беришган экан. Таассуфки, мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий тангликлар кезида меъморчиликнинг ана шу ноёб обидаси ҳам беному нишон йўқолиб кетган.

Заҳириддин Бобурдек буюк давлат арбоби, шоир ва саркарда умр бўйи боғ ҳақида ўйлаганига қойил қоласан киши. У ўзининг Қобулдаги амирларига қуйидаги фармонни юборган экан: «Тўти дарадан сув чиқариб сарҳовуз қазилсин. Атрофига анвойи дарахтлар ўтқазилсин ва бу ерга «Назаргоҳ» деб ном берилсин». Унинг боғларида ариқ бўйларига бўзноч ва гулсафсар, йўл ёқаларига эса наъматак, айвон рўясига қизил саллагул экилган. Агра боғидаги гулзорларда атиргуллар ва наргисларни кўрамиз. Танг қоладиган ери шундаки, Низомиддин мир Алишер Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонида худди ана шундай гулзорларни тасвирлаган...

Умрида лоақал бир туп дарахт экиш, боғ яратиш халқимизнинг қон-қонига сингиган. Аждодларимизнинг анъаналари ҳовлимиз, қишлоғимиз, шаҳарларимизда яшамоқда. Мен ушбу сатрларни ёзишдан илгари Тошкентдаги буюк бобомиз номи билан аталган миллий боғни айланиб чиқдим. Довдарахтлар кўкламга интиқ бўлиб турибди. Бугун-эртага улуғ шоир пойида у севган боғлар гул-гул яшнаб кетади...

А. АБДУҚОДИРОВ,
(ЎзА).

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР

«ХАЛҚ СЎЗИ» МУХБИРЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ ХАБАРЛАРИДАН

ЭҲТИЁТСИЗЛИКНИНГ ОҚИБАТИ ШУ-ДА...

ҚУШРАБОТ. «Урганжи» жамоа хўжалигида яшовчи Саодат Абдуолимова хонадонидан чиққан ёнғин беш бош сигир-бузоқни, 20 бош қўй-эчкию икки қўзини нобуд қилди.

ФАЛОКАТГА уй бекасининг эҳтиётсизлиги сабаб бўлди. У нон ёпиш мақсадида тандирга ўт қалади. Тандирдан чиққан учқун ўтинга, сўнг ғарамлаб қўйилган хашакка тушди. Тез орада молхона ҳам ёна бошлади. Ўтни ўчиришга бўлган барча уриниш беҳуда кетди. Моллардан ташқари рўзғор анжомларининг ҳам кули кўкка соврулди.

ОЛМОС ТОПИЛДИ

ҚАРШИ. Қашқадарё геология-қидирув экспедицияси Ҳисор, Қўҳитанг тоғлари бағрида, Шимолий Нурота тоғининг юқори қисмида Олмос заҳиралари борлигини аниқлади.

МУСТАҚИЛ Ўзбекистон саноати, халқ хўжалигининг ривожлантиришга бу бойликлар асқотиши турган гап. Яқинда мазкур экспедиция қидирувчилари Сурхондарё вилояти ҳудудидан ҳам олмос кони топилганлигини хабар қилишди.

ТАВБАСИГА ТАЯНМАГАН ЭКАН

ТЕРМИЗ. Шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари «Шчорс» кўчасидаги 15-уй соҳиби Ш. Шариповни икки шиша ароқни 1400 сўмга пуллаётганда қўлга олишди.

ҲОЖАТБАРОРНИНГ уйи кўздан кечирилганда 230 шиша ароқ, 33 дона шампан виноси, блок-блок сигаретлар топилди. «Тадбиркор»нинг бошқа кирдикорлари ҳам фош бўлди. Бир йил илгари уйида жанговор қурол сақлагани учун жазодан осонликча қутулиб кетган Ш. Шарипов тавбасига таянмаган экан. Унда яна 50 та жанговор ўқ, тўртта зирҳли нимча, 8 дона гратана борлиги аниқланди.

ТУҚИМАЧИЛИК МАЖМУИ ҚУРИЛАДИ

ЖОМБОЙ. Туркиянинг «Езекс» тўқимачилик корпорацияси билан ҳамкорликда Самарқанд тўқимачилик мажмуини бунёд этиш режаси тасдиқланди.

ҚУРИЛАДИГАН корхонанинг афзаллиги шундаки, хомашёдан кийим-кечак тайёрлангунча кечадиган барча жараёнлар шу ерда амалга оширилади.

ОҚЛИҚҚА ХИЁНАТ

ФАРҒОНА. Оқлиққа хиёнат қилишда сут комбинати ходимлари устаси фаранг эканлар.

ТЕКШИРИЛГАН сметананинг ёғлиқлик миқдори бир фоиздан кам чиқди. Айниқса В. Шикляева мастер бўлган сменада шу йил билан 1770 кило маҳсулотдан 88 килоси ёки 6776 сўмлик қаймоқ уриб қолинган. 2684 рақамли ҳужжатда 3,2 фоиз деб кўрсатилган сутнинг ёғлиқлик даражаси 2,5 фоиздан ошмади. Бунда ҳам харидорлардан 475 литр сут ўғирланган. Боболаримиз оқлиққа хиёнат қилиб бўлмайди, дейишади-ку. Наҳотки, айрим шахслар удумларимизни унутиб юборишган бўлса.

ЕМ ЕТИШМАСЛИГИ БАҲОНАСИДА

БУХОРО. Ем етишмаслиги баҳонасида мажбуран гўштга сўйиб юборилган моллларнинг аксарияти гўшт тайёрлаш идораларига топширилмаган.

ЎТГАН йили Ромитан районидаги «Ромитан», Ибн Сино, Жондор районидаги «Авангард», «Мохонкўл», Когон районидаги «Когон» давлат хўжаликлари, Олот районидаги «Шарқ юлдузи» жамоа хўжаликларида 720 бош қорамол шу йўл билан сўйиб юборилган. Бухоро вилоят деҳқончилик-саноат уюшмаси мутахассислари бу масалага ойдинлик киритсалар ёмон бўлмасди.

СОВҒАГА — САМОЛЁТ

ЗАРАФШОН. Республика Мудофаа вазирлиги аэроклубга АН-2 самолётини совға қилди.

УШБУ КЛУБ ташкил этилганига кўп йиллар бўлишига қарамай, учиш майдони йўқ эди. Шу боис парашютчилар сакраш машғулотларини бажариш учун доим ўзга шаҳарларга боришга мажбур бўлардилар. Энди спортчилар бу ташвишдан халос этилди.

ВАЛЮТАДАН КЎЗ-ҚУЛОҚ БЎЛИБ ТУРАДИ

ФАРҒОНА вилоятида 37 та корхона ва ташкилот аллақачон жаҳон бозорига чиққан.

ЭНДИ бу меҳнат жамоаларининг хориж билан валюта муомаласига киришишлари табиий. Бинобарин, бу борада ҳам етарли тажриба йўқлиги сабабли хато ва тушинмовчиликлар юз бериши эҳтимолдан холи эмас. Вилоят молия бошқармаси шуни ҳисобга олиб, ташқи иқтисодий алоқалар бўлимини ташкил этди. У жаҳон бозорига чиқадиган корхона ва ташкилотларнинг валюта операцияларини режалайди ва назорат қилиб боради.

УРУҒЛИК ЧИГИТНИ МАШИНА САРАЛАЙДИ

ХЎЖАОБОД пахта тозалаш заводида уруғлик чигитни саралайдиган янги қурилма ўрнатилди.

ТОШКЕНТДАГИ «Ижод» техника маркази мутахассислари яратган бу қурилманинг афзаллиги шундаки, у чигитни тўлиқ тозалаб, ҳосилдорликнинг 3—4 центнер ошишига замин яратади. Кунига 35 тоннагача чигит саралайдиган бундай қурилмалар Андижон вилоятидаги бошқа заводларда ҳам пайдо бўлса ажаб эмас.

ЗАҲИРАСИ ЮЗ ЙИЛЛАРГА ЕТАДИ

СУРХОНДАРЕНИНГ ҚЎҲИТАНГ тоғи ёнбағрида топилган туз кони табиатда камдан-кам учрайди.

МУТАХАССИСЛАРНИНГ айтишларича, коннинг биринчи қатламидаги туз миқдорининг ўзи юз йилларга етади. Сурхон тузи ҳозир хорижий мамлакатларга ҳам чиқарилиб, ўрнига халқ истеъмол моллари олиб келинмоқда. Шимолий Корея, Тайланд ва Сингапур давлатлари билан шундай савдо алоқаси ўрнатилган.

Конда ош тузи қазиб олиш ҳам йўлга қўйилди. Бу йил 20 минг тонна яъни 1992 йилдагидан икки баравар кўп ана шундай туз қазиб олиш мўлжалланган.

ЗАВОДГА БИР ҲУНАР ОЗ

САМАРҚАНДДАГИ «Каноп» заводи пахта териш машиналари учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

ЗАВОД ишчилари бу йил қишлоқ хўжалик жамоаларига 10 миллион сўмлик эҳтиёт қисмлар тайёрлаб беришмоқчи. Бундан ташқари электродрелнинг тажриба нусхаси, 3—12 вольтли блоклар, трансформаторлар ишлаб чиқаришмоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтаман деган корхона хорижга ҳам чиқиши керак. Ҳозир завод маъмурияти Исроилнинг «Ел-Плазма» фирмаси ёрдамида янги пайвандлаш электроди тайёрлашни бошлаб юборди.

• *Жиноятчиликнинг емирилиши*

ҲЕЧ КИМ ЧУВ ТУШМАСИН

ЕКИ ОТ, ҚОРАМОЛ, ҒОЗ ВА ИТ ЎҒРИЛАРИ ХУСУСИДА

От кимники! Бу саволга Бўстонлиқ туманининг Қизилсув қишлоғида яшовчи Қаюм Турдибеков бамайлихотир «Кимники бўларди, минганники-да!» деб жавоб беради.

У яйловда ўтлаб юрган икки отни кўрди-ю, бирига шартта миниб олди:

— Энди бу от меники бўлди, негаки унга мен миниб турибман, — деди сўнг ўз ақидасига асосланиб.— Лекин ўтлаб юрган иккинчиси-чи? Хўш, нима қилиш керак?

Қаюм-отчопар оғзидагини олдириб ўтирадиган анойилардан эмас, аксинча бировнинг даҳанидагини ҳам (агар ютиб юборишга улгурмаган бўлса) тортиб оладиганлар хилидан. Шунинг учун ҳам у иккинчи отни (бир ўзи бир пайтда икки отга миниб олиши мумкин эмаслиги туфайли) етаклаб олди-да, жуфтакни ростлади. Отларнинг Қаюм «чавандоз»дан олдинги эгаси Сагиз Жумабоев эса ўша куни бир эмас, икки отидан айрилиб, чув тушиб қолаверди...

Зангиоталик Ўткир Акапбоев ҳам тайёр ўлжани кўрса ўзини томдан ташлайдиганлардан. У Оҳангарон туманидаги «Янги ҳаёт» хўжалигига бир юмуш билан бориб кечга қолди. Кейин дуч келган хонадон соҳибидан бир кеча тунаб қолишга изн сўради. Ўша куни меҳмондўст, очиққўнгил соҳиб бир мусофир йўловчига жой бериб, савоб иш қилганидан мамнун ухлади. Аммо «меҳмон»нинг кўзи туни билан олма-кесак териб чиқди. У бойлоқда турган асл бедовни кўриб қолган эди-да!

Эртаси кун «меҳмон» пайт пойлаб туриб отга миниб олди ва мамнун деди:

— От кимники? Албатта, минганники! Шундай бўлгач, чуҳ тулпорим!

Хуллас, қишлоққа пиёда келган «мусофир» отлиқ бўлиб ортига қайтди...

Ўрта чирчиқлик Турсунбой Умбетов ҳам «кошки бирор учқур от топилса-ю, тезда миниб олиб ўзимники қилсам», деб юрарди. Бироқ, ҳадеганда омади юришавермади. Ҳафсаласи пир бўлиб турганда Ҳасан Қўшматовнинг нақ қўшга қўшса бўладиган буқасига кўзи тушиб қолди.

— От бўлса, қулай эди. Шартта миниб олдингми, ўзингники бўлади. Жониворни «чуҳ» десанг хоҳлаган томонингга қараб кетаверади. Лекин бу буқага миниб бўлмаса...

Ўйлаб-ўйлаб қорнинг ҳам қаловини топадиган бу олғир «миниб бўлмайдиган нарсани миндириш керак» деган хулосага келди ва бир тракторчини «шу буқамни фалон жойга олиб бориб беринг» деб кўндирди...

1927 йилда туғилган (қариганда ҳам инсоф кирмаса қийин экан) оққўрғонлик Турдибой Ўринбоев ўлжа қидириб овора бўлиб ўтирмади. У «Маданият» жамоа хўжалигида яшовчи қизининг уйига борган эди, кутилмаганда бир қора-ола новвос ўз оёғи билан кириб келса бўладими?

— Ие, меҳмон келса эшикдан, ризқи келар тешикдан, деб шунга айтадилар-да, — деди у ўлжани кўриб қувонганидан. Меҳмон ота новвосни дарҳол боғлаб қўйгач қизига бу ҳақда ҳеч кимга чурқ этмасликни уқтирди. Орадан бир ҳафта ўтгач эса у новвосни ўз уйига келтириб, иморатнинг орқа томонига яшириб қўйди...

Чиновник Александр Довденко ишқи дуч келган нарсага тушаверадиганлар хилидан чиқиб қолди. У Мария Третьякованинг бир гала ғозларини кўрди-ю, от миниб, уларни сой бўйида ҳайдаб юрганини бир зум мазза қилиб тасаввур этди.

— Отнинг иши осон,— деди у. — Устига миниб олсанг, бас. Хоҳлаган мақомингга йўрғалайверади. Аммо мана бу ғозларни... Э, бор-е, ўйлаб ўтираманми, ўйчи ўйига етгунча таваккалчи ишини битирибди.

У шундай қилди. Аста девордан ошиб ғозларни «чурқ» эттирмай ўмардида, жуфтакни ростлади...

Янгийўллик Николай Крапивко учқур отга миниб ўргатилган този билан овга чиқишни орзу қиларди, лекин унда бунинг ҳар иккиси ҳам йўқ бўлса нима қилиш лозим?

Астойдил йиғласа «сўқир кўздан ҳам ёш чиқади», деб, бежиз айтишмаган экан. Николай ҳам астойдил «изланган» эди, ниятига етадиганга ўхшаб қолди. Кунларнинг бирида у Н. Корниенко деганнинг дала ҳовлисидаги Туман исмли иткович итни кўриб қолди:

— Оҳ, ўзиям итмисан ит экан-да! Бунақаси билан овга чиқсанг борми?

Николай имкониятни қўлдан чиқармади. Эгаси икки минг сўмга олган исковични ер искатиб олиб қочди.

Энди муштарийларда шундай ҳақли саволлар туғилиши табиий: хўш, бу қанақаси бўлди? Наҳотки от ҳақиқий эгасиники эмасу, минганники бўлаверса?! Нима, шаҳар бедарвозами?

Йўқ, ҳар қандай сабрнинг ҳам чегараси бўлганидек, ҳар қандай шаҳарнинг ҳам дарвозаси бўлиши керак. Бироқ, афсуски, шаҳарларимизгина эмас, бутун юртимиз дарвозасиз ҳолга келтирилган эди. Натижада, Ўзбекистонда ҳам текинтамоқ, ўғри, киссавуру босқинчи талончилар кўпайиб кетди. Энди эса бу хатони тузатиш зарур. Кейинги пайтларда жумҳуриятимизда бу борада муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Бундан буён ҳеч ким ўғри-муттаҳамларга таланиб, чув тушиб қолмаслиги керак. Ўғри, киссавур, талончи ва умуман жиноятчиларга қарши бошланган ҳужум ўз натижасини бермоқда. Дарвоқе, биз юқорида баён этган от, мол, ғоз, ва ит ўғрилари ҳам қўлга туширилиб, тегишли «мукофот»лар билан «сийланганлар»дан ҳисобланишади.

М. КАЛОНХОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

• *Дастурхонимиз ҳақида қайғураётганлар*

ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАР

Халқнинг қандай яшаётганлигини билмоқчи бўлсанг —бозорга бор, деган экан бир доно. Кўз тегмасин, ҳозир Ўзбекистонимизнинг қайси бозорида бўлманг, мўл-кўлчиликдан кўз қувнайди. Сотувчилар муомаласи, турли тоифадаги харидорлар кайфиятини бироз кузатсангиз юқоридаги нақл жуда топиб айтилганига астойдил тан берасиз. Гулистон шаҳар бозорини айланар эканмиз, биз ҳам бунга имон келтирдик.

Сархил мева-чевалару қовун-тарвузлар, сабзи-пиёзу шолғомлар дейсизми — ҳаммасидан бор. Тўғри, нархи юқори. Лекин, ҳатто ёзда бироз эътиборсизлик қилинса, уч-тўрт кунда айнийдиган узумни шу пайтгача сақлаган одамга тасанно айтмасдан иложингиз йўқ. Вақти келса, қишга деб ғамлаган икки қоп пиёзу шунча қоп картошкамизни эплолмай қоламиз. Аслидаку, имкон бўлса, оилага зарур маҳсулотларни ҳар куни харид қилганга не етсин! Бироқ шукур қилайлик, нарх-наво ҳам жуда ваҳима қиладиган даражада эмас. Бугунги иқтисодий мураккабликлар даврида бунга чидаса бўлади.

Бозор айланиб юрар эканман, беихтиёр хаёлимдан «Давлат таъминотидаги муассасаларда аҳвол қандай экан?» деган ўй кечди. Ахир қатор-қатор болалар боғчалари, шифохоналар, мактаблару бошқа ўқув масканлари ва корхоналар ошхоналари дала ва боғ неъматлари ҳамда гўшту сут маҳсулотларини бозордан харид қилишмайдику?

Саволларга жавоб топиш мақсадида Сирдарё вилояти мева-сабзавотчилик, узумчилик ва виночилик ишлаб чиқариш бирлашмасига бордик. Раиснинг биринчи муовини Олимжон Жўраев ғоят банд эди: иш юзасидан келиб-кетувчиларнинг адоғи кўринмасди.

— Кечирасиз, хизматчилик, — деди у, ниҳоят, холи қолганимиздан кейин. — Айниқса, эрталабда жуда одам кўп бўлади. Ҳамманинг ташвиши битта: сифатлироқ, арзонроқ мол олиш.

— Сизлар эса маҳсулот унчалик сифатли бўлмаса-да, қимматроққа сотсак, дейсизлар, — ҳазиллашган бўлдим.

— Ундай эмас, меҳмон. Маҳсулотларимиз бозорникидан қолишмайди. Нархи эса икки-уч марта арзон. Ишонмасангиз, омборхоналаримизни кўрсатишимиз мумкин.

Таклиф маъқул тушди. «Минг марта эшитгандан бир марта кўрган афзал» деганларидек, бирлашма бош агрономи Бахтиёр Нурматов ҳамроҳлигида йўлга отландик.

— Ишни энг катта корхонамиз — шаҳар мева-сабзавот савдоси омборидан бошласангизлар дуруст бўларди, — таклиф киритди Олимжон ака. — Негаки, сиз қизиққан давлат таъминотидаги муассасаларга асосий маҳсулот ана шу жойда тайёрланиб тарқатилади.

Очиғи, бундан бироз хабарим бор эди. Чунки ушбу ташкилот ташаббуси билан ўтган йил кузида ҳамда янги йил арафасида шаҳарда деярли ҳар ҳафтанинг шанба-якшанба кунлари ярмаркалар уюштирилганди. Ўшанда жамоанинг ёш, аммо тадбиркор раҳбари Камолхон Убайдуллаевнинг елиб-югурганларига гувоҳ бўлгандим. Бу сафар унинг ўзи бош бўлиб омборхоналарни айлантирди.

Икки минг тонналик сиғимга эга омборхонада иш қизғин. Ишчилар картошкадан тортиб, аноргача — барча маҳсулотларни кўрикдан ўтказиб, сифати бузила бошлаганларини саралашаяпти. Кетма-кет кириб келаётган машиналар эса тегишли юкларни олиб чиқиб кетишаяпти. Бу ерда Бахмалнинг қип-қизил олмасидан тортиб, Польшанинг картошкасигача учратиш мумкин.

— Ҳозирча биронта ташкилотдан шикоят тушгани йўқ: маҳсулот сифатига алоҳида эътибор бераяпмиз, — деди Камолхон Убайдуллаев. — Айни кунларда омборларда 445 тонна картошка, 83 тоннадан зиёд пиёз, 15 тонна сабзи, 31 тонна олма, 3,5 тонна ерёнғоқ, 30 тоннага яқин тузланган карам ва помидор сақланмоқда.

— Бу маҳсулотлар янги ҳосил узилганга қадар аҳоли эҳтиёжини таъминлай оладими?

— Йўқ, албатта. Камини туманлар ва қўшни вилоятлардан топиб келамиз. Ҳозир ходимларимиз бу масала билан шуғулланишаяпти. Муҳими — маҳсулотларнинг узилишига йўл қўйилмайди. Ҳозир муассасалардан ташқари аҳолига ҳам савдо қилаяпмиз. Бултур савдо дўконлари 3 тадан 15 тага етказилди. Аҳоли зич яшайдиган барча мавзеларда шохобчаларимиз бўлишига эришдик. Бу йил яна 3 минг тонналик янги омборхона ишга туширилади. Ўшанда имкониятларимиз деярли икки баробар ортади.

Сирдарёликлар Собир Раҳимов номли давлат хўжалигини жуда яхши билишади. Бу ерда энг сархил узуму мева етиштирилади. Минг тонналик сиғимли омборда эса қишинёзин ширин-шакар неъматлар сақланади. Меҳнат аҳли Россия Федерациясидаги қатор корхоналар билан маҳсулот айирбошлаш бўйича шартнома тузган. Шунга мувофиқ аҳолининг энг таҳчил саноат ва қурилиш молларига бўлган талаби мунтазам равишда таъминланмоқда.

Бош агроном Мурод Зоҳидовнинг айтишича, хўжаликда 437 гектар токзор ва 305 гектар боғ мавжуд. Ўтган йили режадаги 1950 тонна ўрнига 2230 тонна узум, 470 ўрнига 515 тонна мева етиштирилди. Сабзавот, полиз маҳсулотлари тайёрлаш режалари ҳам зиёдаси билан бажарилди. Айниқса, Президент фермонига биноан 50 гектар ерга дон экилгани айни муддао бўлди. Етиштирилган 170 тонна буғдойнинг 40 тоннаси давлатга топширилиб, қолгани омборга туширилди.

— Янги йил арафасида ана шу ҳосилдан одамларга 30 тонна ун тортиб бердик, — дейди Мурод ака. — Ҳисоб-китобга қараганда заҳирадаги буғдой янги ҳосил йиғиштириб олингунга қадар бемалол етади.

Ховос қўрғони, Янгиер ва Ширин шаҳарлари аҳолиси учун маҳсулот етказиб берадиган ушбу хўжалик тайёрлов-таъминот корхонасининг ташкил этилганига бор-йўғи бир йилдан сал ошган бўлса-да, жамоа меҳнаткашлари халққа хизмат кўрсатиш йўлида жон куйдирмоқдалар. Бу ердаги омборхоналар мослаштирилган биноларга жойлашган бўлишига қарамай, саранжом-саришталик ҳукмрон. Айниқса, қовун ва пиёз сақлашнинг ҳадисини қойилмақом этиб эгаллашиб олишибди улар.

— Пиёз сақлашнинг янгича усулини андижонликлардан ўрганиб келдик,— деди корхона раҳбари Акбарали Тошқулов ўтган йили қурилган бинонинг айвони устунларига маржондай терилган сархил пиёзларни кўрсатаркан. — Шундай қилинганда ҳам жой тежалади, ҳам маҳсулот сифати узоқ вақт яхши сақланади. Қовунлар эса раисимиз Тўхтамурод ака Исломов тавсияси билан қурилган қўлбола омборда сақланмоқда.

Бу омбор аслида оддий хонадан фарқ қилмайди. Фақат бу ерда елвизак учун қатор тешикчалар қолдирилган.

— Мабодо ҳаво совиб кетса, тешиклар бекитиб қўйилади, — изоҳ берди Акбарали. — Бошқа пайтлари улар доимо очиқ туради.

Тўрхалталарга солиниб, қатор қилиб илиб қўйилган қовунларга кишининг ҳаваси келади. Бу неъматлар олти ой аввал келтирилган экан. Лекин биронтасининг сифати ҳалигача бузилмаган.

— Мана шу маҳсулотлар эвазига, — дейди омбор мудири Ўрозали Абдуқодиров, — жамоамиз ўтган йили бир миллион 800 минг сўмдан зиёд соф фойда олди. Яъни 43 та ишчи-хизматчининг ҳаммаси чўнтагига мўмай пул тушди. Ўйлаб кўринг, яшик учун ишлатиладиган тахтанинг ҳар куби 15—16 минг сўм, бошқача айтганда, битта узум яшиги 100 сўм, олманики 200 сўм турган бир пайтда шунча даромад олишнинг ўзи бўлмайди, албатта. Омилкор, тадбиркор тайёрловчилар эса янги-янги имкониятларни қидириб топишга ҳаракат қилишаяпти.

— Бу йил ғишт заводи, қовунқоқи ҳамда шинни тайёрлайдиган цехлар қуриш ниятидамиз, — дейди Акбарали. — Зеро, зироатчилик маҳсулотларини нафақат сақлаш, балки қайта ишлашни ҳам йўлга қўйишимиз керак.

Тармоқнинг уч корхонасида бўлиб, улардаги ютуқ ва муаммолар билан танишар эканман, вилоят ҳокимлигининг катта-кичик йиғинларида бирлашма раиси Тўхтамурод Исломовнинг куюнчаклик билан айтган гаплари ёдимга тушди. Кейинги йилда ишга туширилган кичик корхоналарни ҳисобга олмаганда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган йирик корхоналар йўқ ҳисоби. Бир неча йил аввал қурилган консерва заводида эса иш бир тезлашиб, бир тўхтаб қолади. Шу боис вилоят раҳбарлари ана шу муаммони ҳал этиш юзасидан жумҳурият миқёсидаги ташкилотларнинг мутасаддиларига тинимсиз мурожаат қилишаяпти. Ахир, ният ниҳоятда эзгу: яқин келажакда қўриқ воҳа меҳнаткашлари ўз маҳсулотларини ўзлари қайта ишлай бошласалар, бозорларимиз янада гавжум, халқимиз дастурхони мўл бўлади.

Темур АБДУРАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Ижтимоий экологиянинг минтақавий муаммолари»

Профессор Юсуф Шодиметовнинг яқинда чоп этилган «Ижтимоий экологиянинг минтақавий муаммолари» («Региональные проблемы социальной экологии» китоби касаллик туғдирувчи носоғлом муҳитни яхшилаш, фойдаланилмай ётган ерларни гуллаган воҳаларга айлантириш борасидаги дастлабки жиддий тадқиқотлардан биридир.

Муаллиф танлаб олган соҳани маълум маънода «нажот йўли» деб аташ мумкин. Зеро, асарнинг бошидан охиригача кўзга яққол ташланиб турган инсониятнинг ўзини ҳалокатга олиб келувчи нотўғри фаолияти натижасидан қутқариш ғояси дунё миқёсидаги муаммодир. Рене Дюба таъкидлаганидек, «Инсон янги кучларни шунақанги суръат билан кенг қўламда истеъмолга киритадики, оқибатларини баҳолаб улгурмаёқ, улар одамларнинг ўзларига таъсир ўтказиб қўяди». Муаллиф келажакда содир бўлиши мумкин бўлган фожеаларнинг оқибатларини олдиндан баҳолайди. Асарнинг асл қиммати ҳам ана шунда.

Китоб тузилиши жиҳатидан 20 фаслдан иборат бўлиб, муаллиф уларда Ўрта Осиё минтақасида ижтимоий-экологик масалаларни илмий ёдора қилиш муаммолари хусусида атрофлича тўхтатилиб, ўқувчини сабаблардан оқибатлар томон бошлайди. Табиий муҳитни оқибатини ўйламасдан, пала-партиш равишда ўзлаштириш каби салбий иллатлар далиллар ва умумий хулосаларда намоён бўлади.

Бундан 1000 йил муқаддам яшаб ўтган машҳур файласуф ва шоир Ал-Маорий: «Биз шу қадар жаҳолатга ботганмизки, ўзимизни жамики тириклик дунёсининг подшоҳларимиз деб хаёл қиламиз»,— деган эди. Ю. Шодиметовнинг китоби ушбу пайғамбарона сўзларни тасдиқлайди, уни рисолага бемалол эпиграф қилиб қўйиш мумкин.

Китобда алоҳида аҳамиятга эга бўлган, «Ижтимоий экологик муаммоларнинг вужудга келиш сабаблари», «Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-экологик муаммолари», «Зарарли бўлган оғирликларнинг минтақа биосферасига таъсири» фасллари Ўрта Осиё, хусусан республикамиз минтақаларидаги экологик бўҳрон сабабларининг таҳлилидан иборат. «Орол ва Оролатрофи:, экологик бўҳрон кучайишининг асосий омиллари» ҳамда «Орол минтақасидаги ижтимоий-экологик бўҳрон сабаблари» номли боблари қуриб бораётган денгиз атрофида ночор ҳаёт кечираётган аҳоли ўртасида турли юқумли касалликларнинг кўпайиб бораётгани ҳамда мақсад-маслаги бўлмаган «раҳбарлар» ўз халқининг нафақат маданияти, балки асосий бойлиги бўлган — жисмоний соғлиғини ҳам оёқ ости қилганлиги ҳар томонлама очиб берилган.

Китобнинг энг кучли хотима қисми бўлмиш «Орол ва Оролбўйи муаммолари халқаро ҳамкорликнинг қатъий талаби» ва «Аҳоли саломатлиги» фасларида муаллиф миллатни қутқариш масаласини қатъий қилиб қўяди. Зеро, Ўрта Осиё республикалари ва Қозғистоннинг интеграцияга зўр бериши, кўплаб нуфузли халқаро ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик қилиш босиб келаётган экологик бўҳрондан қутилишга ёрдам берарди.

Рисоланинг тили ҳам жуда равон ва ширали. Бу ҳол унинг кенг китобхонлар ва талабалар орасида эътибор қозонишини таъминлайди. Кишилар онгида экологик тафаккур ҳамда экологик маданиятнинг шаклланиши республикадаги олий маълумотнинг ажралмас қисми бўлиши лозим.

Мазкур китобда инсон ва табиатнинг келажакдаги ўзаро муносабати масалалари илмий асосда талқин этилган. Дастур қилиб олса арзийдиган экологик сиёсат, табиий муҳитга нисбатан минтақа ва жаҳон муносабатлари қўшиб олиб бориш ишининг беқиёс аҳамияти кўрсатиб берилган.

В. ИСҲОҚОВ,
ЎзРТФнинг мухбир аъзоси, медицина фанлари доктори.

• *Эл соғлиғи—юрт бойлиги*

ҚАНДИНГНИ УР, ҚАРШИБОЕВ!

Шамсиддин ота Убайдуллаев билан ТошМИнинг кўз касалликлари бўлимида танишиб қолдим. У киши Қибрай туманидан экан. 82 баҳорни қаршилаган бу нуроний чол кўзларининг хиралашиб қолганини қариликка йўйган, дўхтир йигит «кўзингизни тузатиб юборамиз» деганида ўнчалик ишонмовди.

Янаги гал отахонни йўлакда кўзларига дока боғлиқлик ҳолда учратдим. Мени кўргач, ана, сизни танияпман, дедилар шодликдан юзлари ёришиб. Чин кўнгилдан таблрикладим. «Барака топгур, дўхтир Қаршибоев кўзларимга яна нур берди. Операция қилгач, аниқ-тиниқ кўра бошладим», дея қўлларини очиб, уни дуо қилди.

Фахриддин Қаршибоевнинг қабулида одам кўп эди. Уларнинг кўпчилиги «операцияни Қаршибоевга қилдирмоқчиман, кўзи очилганларнинг ҳаммаси ҳам ўша шифокорни мақтаяпти», дейишади.

— Бу тўғри гап, — дея гапга аралашди 65 ёшдаги киши. — Исми-шарифим Жонибек Айдарқулов. Бизнинг Чимкент томонларда ҳам Қаршибоевни кўпчилик яхши билади. Кўзим хиралаша бошлагач, ўзимизнинг врачга учрасам, «катарак» бўлибсиз, дарҳол операция қилиш керак, аммо операция қилувчи шифокор Одессага командировкага кетган, йигирма кундан кейин келади», деди. Шундан сўнг Тошкентга жўнадим. Ҳақиқатанам, Фахриддинжоннинг қўли енгил экан. Ҳозир рўзномаларни кўзойнакда бемалол ўқияпман...

Шамсиддин ота шифокор ҳузуридан жуда кайфияти чоғ бўлиб чиқди. Негаки, операция асоратлари бутунлай битиб кетибди.

Фахриддин Қаршибоев Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги Тоштўғон қишлоғида туғилиб ўсган. Ўрта мактабни аъло баҳолар билан тугатганидан сўнг Тошкент тиббиёт институтига ўқишга кириб, у ерни ҳам имтиёзли диплом билан битирди. Зийрак, ўта идрокли бу йигит кўпчиликни қизиқтириб қолди. Натижада у институтнинг кўз касалликлари бўлимига врач-ординатор қилиб олиб қолинди.

Ёш шифокор ўзига билдирилган ишончни оқлади, тезда беморлар ҳурматига сазовор бўлди. Орадан уч йил ўтгач, уни ўзи ишлаётган 45 беморга мўлжалланган бўлимга мудир этиб тайинлашди. 1990 йили Москвадаги Светослав Федоров клиникасига бир ойлик малака ошириш курсига жўнатишди. У ердаги замонавий чет эл тиббиёт асбоб-ускуналари билан яқиндан танишди. Хилма-хил кўз касалликлари, сунъий гавҳар қўйиш операцияларида иштирок этди, бу соҳадаги энг замонавий янгиликларни ўзлаштириб борди. Қисқа вақт ичида олган таассуротлари ёзилган ён дафтарни Абу Али ибн Синонинг «Ал-Қонун»и қаторида авайлаб сақлайди.

Излаганга толе ёр, дейди халқимиз. Эл оғзига тушган шифокор бўш қолди дегунча тиббиётга оид китоблар, рисола ва тавсияларни ўқийди. Кўз касалликлари шифокори бўлиб ишлайдиган умр йўлдоши Лолахон Қаршибоева билан бу хасталикни даволашдаги янгиликлар тўғрисида ўртоқлашади. Эр-хотин илғор тажрибаларни ўз фаолиятларида қўллашади.

Фахриддин Қаршибоев шу кунгача мингдан ортиқ беморни операция қилган. Ҳозир кунига ўрта ҳисобда тўрт-беш киши жарроҳнинг шифобахш тиғи туфайли ёруғ дунёни қайта кўрмоқда. Албатта, бу кўрсаткич 31 ёшли дўхтир учун катта муваффақият. Шунга айтсалар керак-да, «ақл ёшда эмас, бошда», деб. Ёш мутахассис тажрибаларини бошқаларга ҳам ўргатаётир. Феруза Ўрмонова, Константин Савиловлар ҳам устозлари изидан боришиб, назла (глаукома), катарак, узоқни кўрмаслик каби хасталикларни бемалол операция йўли билан тузатишмоқда.

Тошкент медицина институти шифохонаси асосан Мирза Улуғбек ва Ҳамза туманлари аҳолисига бепул хизмат кўрсатади. Бошқа ердан келувчилар эса пул тўлаб даволанишлари мумкин. Беморлар учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Деворларга кўз касалликлари тўғрисида билдирувлар, тавсиялар ёзилган ахборотлар илиб қўйилган. Бўлимда Алишер Худойбердиев, Клавдия Котова, Дилфуза Муҳамедова, Вера Чурсина каби тиббий мутахассислар ва ҳамширалар беминнат хизмат қилишаётир.

Биз Эргаш Усмонов, Евгений Полянский, Муродилла Убаев ва сурхондарёлик Ҳамид Маманазаровлар каби кўплаб беморларнинг фикрларини қувватлаб: «Қандингни ур, Қаршибоев, қўлинг дард кўрмасин» десак, қайта кўзи очилган мингдан ортиқ одамнинг юрагидаги гапни топиб айтган бўламиз.

Тожибой УНАБОЕВ,
журналист.

• *Боқий дўстлик*

БУ ЗАМИНДА ЎЗБЕК ТОЖИКЧА СЎРАСА, ТОЖИК ЎЗБЕКЧА ЖАВОБ БЕРАДИ

Хоҳ минг йиллар илгари битилган тарихни ўқинг, хоҳ шу кунга разм ташланг, ана шу каломнинг чинлигига яна бир карра амин бўласиз. Ёинки халқнинг улуғ шоирлари Жомий ва Навоийга мурожаат қилсангиз ҳам, кўпгина замондош шоирларимиз шеърларини ўқисангиз ҳам бир мисраси ўзбекча бўлса, яна бир мисраси тожикча. Ери ерига туташ, бир дарёдан сув ичган, дили дилига пайванд ўзбек ва тожик халқлари шундай аҳилки, уларни илдизлари туташиб кетган улкан чинорларга қиёслаш мумкин. Қондошу қариндошчилиги минг йилларга борib тақалган халқлар ҳозирда қандай яшашяпти!

Тожикистон Республикасининг Пролетар туманида бир пайтлар донги кетган Ленин номли хўжалик бор. Бу жамоада ўзбегу тожикни суриштирсангиз, уятга қоласиз. Қуйида биз мазкур хўжалик ишлари ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

Аввало, бу йил 85 ёшни қаршилаётган, 54 йилдан буён шу хўжаликнинг раиси, икки марта Меҳнат Қаҳрамони Абдуғофир ота Самадовнинг фаолиятисиз колхозни тасаввур этиб бўлмайди. Хўжалик ай-



ни кунларда қандай аҳволда, меҳнаткашлар қандай яшашяпти! Яқшиси, хўжалик сардорининг бу ҳақдаги сўзларини тинглай қолинг:

— Ўзингиз ўйланг, 70 йил мобайнида бир хил ўйлаб, бир хил яшаб келган одамларнинг тўсатдан янгича фикрлаб, янгича ишлаб кета олишлари осон эмас. Яширишга ҳожат бўлмаса керак, илгари фақат буйруқ билан иш бажарилар эди. Бу эса халқнинг қон-қонига сингиб кетган. Бошқача айтганда, қотиб қолганмиз. Халқни эса уйғотиш керак.

Аҳолимиз жуда зич. Уларни иш билан таъминлаш лозим. Хуллас, муаммолар жуда кўп. Ҳозирги пайтда саноатни ривожлантирмай, ўз пахтангни ўзинг қайта ишлаб бозорга чиқармас экансан, силжиш бўлмайди. Шунинг учун икки йил давомида хўжаликда еттита кичик корхонани ишга туширдик. Натижада 760 колхозчи иш билан таъминланди. Шунингдек, ўтган йилнинг ўзида пахта ёғи ишлаб чиқарадиган корхона, тикувчилик ва дўппи тикиш цехи очдик.

Бу йилги режаларимиз ҳам ёмон эмас. Йирик гилам ишлаб чиқарувчи бирлашма, пахтани қайта ишлаш корхонаси, кунига 8 миллион пишиқ ғишт тайёрланадиган завод қурилмоқда. Булар ишга тушгач, корхоналар сони яна еттитага кўпайиб, 2600 киши иш билан таъминланади. Узоқни ҳозирдан аниқ ҳисоб-китоб қилмасак, адашиб қолишимиз мумкин. Шунинг учун беш йилга мўлжаллаб режа тузмиз. Худо менга умр берса, ана шу муддат ичида режалаштирган барча ишларимизни амалга оширамиз. Ўшанда колхоз бошқача бўлади.

Абдуғофир ота ёш анчага борib қолганига қарамай, фикрлари дадил, тиниқ. Йил бошидан хўжалик меҳнаткашлари учун газ, сув, электр энергияси бепул бўлди. Бу — оқил сардорнинг ишбилармонлиги туфайли. Раис амалга оширилаётган тадбирлар тўғрисидагина гапирди. Ҳолбуки, хўжаликда бир неча йиллар мобайнида рўёбга чиқарилган ишлар қанча... Саноасан, бармоқлар камлик қилади.

Хўжаликда 17 та ўрта мактаб бўлиб, уларда 15 минг 700 ўқувчи ўзбек, тожик ва қирғиз тилларида таълим олади. Жамоа ўз музейига ҳам эга. Уни йилига минглаб томошабинлар келиб кўришади. Шунингдек, колхозда ўн саккизта мачит, ўн иккита чойхона, олтита болалар боғчаси ишлаб турибди. Қани энди бизнинг республикадаги хўжаликлар тожикистонлик дўстлар билан маслаҳатлашиб, ҳамкорликда иш кўришса, нур устига аъло нур бўлур эди.

Турғунбек МАҲКАМОВ.

СУРАТЛАРДА: 1. Улуғ Ватан уруши жанггоҳларида ҳалок бўлганлар хотирасига барпо этилган «Мангулик хиёбони»дан ёшлар қадами ҳеч қачон аримайди. 2. Колхоз бошқаруви раисининг маданият ишлари бўйича ўринбосари Абдумавлон Қодиров, туман ижроия комитети раиси Исмоил Абдуваҳобов, жамоа раиси муовини Насриддин Азизхўжаев ва колхозчилар сардори Абдуғофир ота Самадов келгуси режалар ҳақида суҳбатлашмоқдалар. 3. Гуландоз қишлоғидаги мадраса — «Жомеъ» масжиди.

Муаллиф олган суратлар.
(ЎзА)

Мовароуннаҳр

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мирмуҳсин шу номдаги янги тарихий романини ёзиб тугатди. Асар X—XI асрларда, буюк Хоразмшоҳ Анўштакин Гарчоий ва унинг фарзандлари Қутбиддин Муҳаммад, Аълонддин Муҳаммад-Отсиз даврини ўз ичига олиб (Темур Малик, Жалолиддинлар давридан икки юз йилча илгариги), унда Мовароуннаҳр ҳамда Хоразм мамлакати салжуқийларга — султон Санжарга тобеликдан қутилиш, икки буюк дарё оралиғидаги Самарқанд, Бухоро, Шош, Гурганж, Ахси, Термиз, Кешу Хўжанд, Хеваю Болосоғун, Ўтрор... шаҳарларининг юксалиши, бир-бирлари билан яқинлашуви тасвирланади. Хоразм, айни вақтда Мовароуннаҳр саркардаларидан бири — амир Алп Арслоннинг юрту заминга муҳаббатига, жангу жасоратига, гўзал Шоҳсанам севгисига романда кенг ўрин берилган. Қуйида янги тарихий асардан бир ҳикоя эълон қиламиз.

МИРМУҲСИН,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

ТАРИХИЙ РОМАНДАН ПАРЧА

Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ — Отсиз[1] ҳазрати олийларининг музаффар қўшини кўп вақт Гурганжнинг шарқи-шимолида, Аёзқалъа харобалари яқинидаги кенгликда — буюк Анўштакин Гарчоий[2] замонидан қолган кўҳна майдонда ҳарбий машқлар ўтказарди. Бунда эрта тонгдан ноғораларнинг кучли так-туми, пурвиқор жез карнайларнинг қалъаларга етгувчи ға-а-ат, ғо-о-от ўкириши, отларнинг сўлиқ узиб ҳангиллаши, дукур-дукур юришлари атроф-жонибни ларзага солиб, жунбушга келтирарди. Шу атрофдаги қишлоқлар ҳам бу «қонсиз жанг» дабдабасидан чўчимай, кўпдан кўникиб қолган эдилар. Ҳарбий машқ икки-уч ойда бир маротаба бўлиб, уч кунга чўзилар, қора соқол, қадду қомати келишган подшоҳ ҳазратларининг шахсан ўзлари ҳам баланд дўнгликда, Қарчиғай лақабли қорабайир отида туриб машқни кузатарди. Отларга, навкарларга дам бериш чоғида ҳазрат тепасига туғ ўрнатилган ола чодирига кириб, саркардаларни ёнига чорлар, нозу неъматлар тўла дастурхонга таклиф этар, навозиш кўрсатиб, «жангда» матонат кўрсатганларга инъомлар ҳадя этарди.

Лекин бу гал қўрқинчли Марвдан, султон саройидан Гурганжга ноиб келиши олий ҳазратнинг ҳарбий машқни кузатиб, бунда уч кун бўлишлигига йўл бермади. Очиқроғи шоҳ бу ҳарбий машқни султон ноибидан сир тутди. Машқ майдонига шаҳзодалардан Отлиқшоҳ, Сулаймоншоҳлар ўз кишилари билан келишди. Улар сафида амир Алп Арслон ва яна бир неча мансабдор шахслар ҳам бор эди. Сарбозларга улуфа[3] берувчи, молия ишларини ҳам бошқарувчи муставфий Саидхожа ҳам бор эди. Шоҳнинг ўзи сипоҳсолар[4] бўлганлиги сабабли машқ даврида унинг бўлмоғи ғоятда зарур, агар у бўлмаганида валеаҳд шаҳзода тепада турмоқлиги шарт. Шу сабабли ҳам оқ отда ғўдайиб ўтирган рангпар, касалвон Сулаймоншоҳ негадир сардор Алп Арслондан кўра ҳам муставфийни ўз ёнига яқинроқ чорлаб, буйруқни у орқали қўшинга етказарди. У анчадан буён амир Алп Арслонни ёқтирмас, у билан номига, шунчаки омонлашарди. Бу гал ҳам ўша совуқлик унинг юзида зоҳир, шаҳзоданинг илтимосига кўра машқ бошлангунча қўшин ичидаги яғриндор полвонлар, амир хоҳиши билан одатга кўра майдон ўртасида доира ясаб, ўттиз чоғлик забардаст йигит кураш хилқати — юпқа тўн кийиб, камару қилични бир ёнга қўйиб белларига белбоғ боғладилар. Эрталабки изғиринда бир оз қизишиб олиш ҳамда анчадан буён кураш бўлмагани, совриндорлардан дарак йўқлиги сабаблими, кўпчилик навкарлар курашга талабгор бўлиб қолишган эди. Аммо подшоҳнинг шахсан иштирок этмаётганликлари полвонлар юрагини хижил қилди — қўли очиқ шоҳ шаҳзодалардан кўра минг бор яхши.

Амир Алп Арслон майдон ўртасидаги кичик халқани ўраган, атрофдаги мингга яқин суворийларга овози етганча нидо урди:

— Ҳазрати олийлари, улуғ подшоҳимиз топшириғи билан валиаҳд шаҳзодамиз Сулаймоншоҳ ҳазратлари буюрдилар: — Йиқитқанга қўчқор! Ана у!—сардор майдон четида, анча нарида боғлоғлиқ қўчқорни қўли билан кўрсатди,— яна бошқа совринлар ҳам бор. Қани, ким майдонга тушади?

Ҳар галгидек, йўғон бир йигит битта-битта қадам ташлаб ўртага тушди. У Куззот паҳлавон бўлиб, тепадек елкаси ер кўрмаган, биронта йигит ҳадди сиғиб, у билан бел олишишга журъат этмаган кимса эди. Ҳар қандай полвонни бир-икки айлантириб, «ҳадис олиб», ўкириб, кучаниб, йиртқичлардек хунук бир овоз чиқариб, оёғини ердан узиб, осмонга кўтарар, бир-икки айлантириб, чунонам урардики, гурсиллаб тушганда тупроқ чангиб кетарди. Биронта йигит Куззот паҳлавонни йиқитолмаган. У полвонлар доираси ичида бургутнамо виқор билан йигитлар кўзларига тикилиб, «Қани, қайси биринг тушасан!», дегандек айланарди. Доирада турган иккинчи полвон — Гарданкашон амир Алп Арслоннинг имоси сабаб бўлдими, ортиқ чидаб туролмай, майдонга тушди. Йигит оғаси — шоп мўйлаблик кекса бир одам (у кексайган эски паҳлавонлардан эди) уларнинг белбоғларини тортиб кўриб, бир-бирларига яқин олиб келиб, фотиҳа ўқиди: «Аллоҳу акбар! Қани, бошланглар!» Икки полвон бел олишиб, бир-бирини синаб, майдонда кичик доира ясашди. Бир неча дақиқадан сўнг, Куззот паҳлавон «ҳадис олиб», қадам босишни тўхтатди-да, бирдан йўлбарсона ўкириб, рақибини қучиб, оёғини ердан узди. Шу бақирганча ҳавода бир-икки айлантириб гумбурлатиб ерга урди. Кейин йиқилган сафдошини қўлидан тортиб, ўрнидан турғазди. Мағлуб полвон этагини қоқиб, доирадан чиқиб кетди. Куззот паҳлавон нафасини ростлаб, яна сор бургутдек доира ичида виқор билан қадам ташлаб, учинчи талабгорни сўради, шу билан якун бўларди. Узоқда боғлоқлиқ қўчқорга ҳам бир қараб қўйди. Бу воқеани кўриб турган амир Алп Арслоннинг ўзи ғайрат отига миниб, камарни ечиб, белини боғлаётган эди, навкарлар аламони ичида қийқириқ бошланди; бу саркардага нисбатан бениҳоя ҳурмату унинг куч-қудратига ишонч ҳамда кутилмаган бир воқеа бўлиб қолди. Навкарлар аламони доирани яна ҳам тор қилиб, ҳамма ўз сардори курашини кўришга интиларди. Алп Арслон кекса полвон — йигит оғаси ёнига бораётган эди, полвонлар сафида турган Муҳаммад Али ал-Мисрий, (у қора зангийларга ўхшар, босавлат, яғриндор бир йигит эди, уни кўплар «Қора дев» деб аташарди)— у дарҳол ўртага тушиб, амирнинг йўлини тўсди:

— Ҳазрат, менинг галим! Мен тушамен!

— Мен-чи?

— Қўшин сардори ўз навкари билан курашга тушмайди...

— Мумкин,— деди Алп Арслон таажжубланиб,— бу, ўйин. Ўйин бўлгандан кейин сардор ҳам курашга тушиши мумкин.

— Менинг галим, мўътабар саркарда. Мен йиқилгандан сўнг, майли, ихтиёр ўзингизда...

— «Қора дев» тушсин, рухсат этинг, саркарда!— деди йигит оғаси — шоп мўйлаблик сарбоз.

— Ал-Мисрий тушсин, рухсат беринг!— деди отлиқлар. Улар негадир бу янги келган сарбознинг йиқилишини исташарди. Куззот паҳлавон бунинг ҳам бир додини бериб қўйишини исташарди.

Амир Алп Арслон белбоғини ечмай икки қадам орқага тисарилиб, «Қора дев»га рухсат этди. Йигит оғаси бошқа бир белбоғу тўнни унга кийгизиб, Куззот паҳлавон ёнига олиб борди. Майдонда қийқириқ бошланди — бирлари йўғон, елкалари кенг, оқ-сариқдан келган ола ҳўкизга ўхшаш Куззот паҳлавон (унинг лақаби «Ола ҳўкиз» эди) иккинчиси Мисрдан келган бесунақай қора филдек улкан Муҳаммад Али ал-Мисрийда эди. «Аллоҳу акбар!»дан сўнг улар бел олишиб, доирани яна ҳам сиқиб келиб, икки улкан паҳлавонни завқ билан томоша қилишарди. Қийқириқ, шовқин-сурон осмонга кўтарилди. «Дев» билан «Ҳўкиз» елкалари елкада, бир-бирининг белбоғларидан маҳкам ушлаб, навкарлар доирасини бир айланиб, куч синашиб кўришгач, қулай пайтни пойлаб, бири-бирларини кўтариб, ерга гурсуллатиб уришга чоғланардилар. Дўнгликдан анча яқинга келиб турган икки шаҳзодаю амир ва бошқа юқори мансабдорларнинг кўзи «Дев» билан «Ҳўкиз»да — тўғрироғи улар бесўнақай гавдаларини бир-бирларига муқобил, букчайиб эгилиб, ҳозироқ ўзига тортиб олиб, ерга урмоққа чоғланардилар. Орадан бир неча дақиқа ўтгач, «Дев» «Ҳўкиз»ни фавқулодда бир куч билан ўз қучоғига тортди-да, «йиёвф! Ҳазрати Али!» деди-да, давангирнинг оёғини ердан узиб, кўкраги устига олди. Яна бир куч билан «Ҳўкиз»нинг маҳкам ёпишиб олганига ҳам қарамай, осмонга кўтарди. Атрофдаги оломон оғзини очиб, қилт этмай кузатишарди. Давангир Куззот паҳлавоннинг чангак бўлиб ёпишган оёқлари тарвақайлаб, осмонда айлана бошлади. Аламон жим, икки шаҳзодаю ноиблар, Алп Арслоннинг ўзи ҳам «Ҳўкиз»нинг ўзини эпломай, ал-Мисрий боши устида айланаётганини кўриб, ҳайратга тушдилар. Шаҳзода Сулаймоншоҳ ўз полвонининг бу аҳволга тушганидан шарм ва ғазаб юрагини чангаллади. Бошқа мансабдорлар ҳам яқинда Гурганжда пайдо бўлган бу кимсадан кўра ҳам ватандошлари Куззот паҳлавонга ишонардилар. Шаҳзодаларнинг руҳи тушиб кетаётганини пайқаган Алп Арслон «Дев»га тикилганча қотиб қолди. Муҳаммад Али ал-Мисрий Куззот паҳлавонни чунонам гурсиллатиб ерга урдики, эски ривоятларда ёзилишича, «замину замон, макину макон» ларзага келди. Бир неча ёш навкарлар қора полвоннинг қудратига тасанно айтиб, қийқириб юборишди. Шаҳзодалар жим, мансабдорлар жим... Ал-Мисрий ерда ётган «Ҳўкиз»ни секин ўрнидан турғазди. У этагини қоқиб, майдондан чиқа бошлади; «баъзан ундоқ, баъзан бундоқ...», йигит оғаси гап қотиб, титраб. «Хафа бўлма, паҳлавон, ҳали у билан яна беллашасан. Мен сенга унинг ожиз томонини айтиб бераман. Сездим... Қўй, хафа бўлма...» деди. Лекин Куззот паҳлавон шаҳзодалар турган ернинг қарши томонига кетди. Амир дарҳол йигит оғасини унинг орқасидан жўнатди — бир кори ҳол бўлмасин, юғур! Бир йил муқаддам шундай бир енгилишда полвон ўзига ўзи пичоқ уриб юборган эди. Шу ернинг ўзида ўлган...

Курашни тугатиб, энди ҳарбий машқ бошламоққа фармон бўлаётган эди, хомуш отдан тушаётган шаҳзода Сулаймоншоҳга Алп Арслон мурожаат этди.

— Ҳазрат, мен ҳам бел боғлаб, тайёр турибман, рухсатингиз билан майдонга тушиб, «Қора дев»нинг таъзирини бериб қўяйми?

Шаҳзода Сулаймоншоҳ кулди. У Алп Арслонга яқин келиб, илжайди:

— «Қора дев» сизни мушук боладек эзғилаб ташлайди, амир! — Уларнинг бир-бирларига мутлақо тоқатлари йўқ эди-ю, лекин ўз полвонининг йиқилганидан руҳи тушган шаҳзода амирга сохта илжаярди.

— Бу — «мушук бола»нинг умри курашда ўтган, жисми пай бўлиб кетган. Иккиламчи беллашганда йўғон гавдадан кўра маҳорат муҳим...

— Рухсат бермоқ осон, аммо сизнинг амир деган номингиз бор, салтанат обрўсини ҳам ўйламоқ лозим.

— Унчалик бўлмас, ахир мушук жониворни пайғамбаримиз ҳам сийлаб, сиртини силаганлар...

— Ҳм-ҳм-ҳи-ҳи... Ундоқ бўлса, рухсат! «Қора дев»ни йиқитинг, қора қўчқор яна ўзимизда, саройда қолади...

Алп Арслон ўртага тушди. Майдонда яна ким тушади, деб айланиб юрган филқомат Муҳаммад Али ал-Мисрий ўз соҳиби амир Алп Арслонни кўриб, юраги шиғиллаб кетди: «Нима кераги бор эди! Шунча паҳлавон йигитлар аламони ўраб турганда, шулар ичидан биронтаси тушақолса бўлмасмиди!..» деди ичида ғижиниб. Рўбарўсига амирнинг жиддий бир тусда келаётганини кўриб, тепаликда отдан тушиб, турган бошқа мартабадор шахсларга ҳам кўз ташлади. Ҳаммасининг диққати амирда. У йигит оғаси билан бирга келиб ал-Мисрийга муқобил бўлди. Улкан «Қора дев» олдида дарҳақиқат мушукка ўхшарди.

— Ҳазрат, мен сиз билан курашга тушмаймен!— деди ал-Мисрий қатъий эътироз билдириб.

— Нега тушмас экансен?! Тушасан!

— Мен сизнинг қулингизмен, қул ўз эгаси билан курашга тушса охирати хароб бўлади. Мени сиз муҳтарам зот, ёмон одамлар қўлидан қутқариб, сотиб олгансиз. Мен ота-онамнинг сўзини бузмаймен, мени одам деб тан олган бир ҳазрат билан бел ушлашиб олишмоқлик — кўрнамаклик. Сиз оёқдаги занжирни узиб, қутқаргансиз, инсонлар қаторига қўшгансиз.

— Яхшиликни билганинг, бу мақбул одоб! Лекин раъйимни қайтарма! Бу — ўйин!.. Ўйинда соҳибликнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Қани, белбоғни ушла! Шаҳзода ҳазратлари қараб турибдилар. Агар сен мен билан астойдил курашмасанг, сен ўз хўжангни камситган бўласен. Ахир мен ҳам беллашувда, қилич машқида ҳеч кимдан енгилган эмасмен. Сен мени ким деб ҳисоблайсен! Қани, белбоғимни ушла!

Давангир ал-Мисрий амир белбоғидан ушлади, улар «фил» билан «от» анча вақтгача ҳадис олиб, доирани айланиб, оломонни ҳайратга солиб юришди. Мингларча навкарлар нигоҳи икки паҳлавонда. Юқорида турган шаҳзодалару мансабдорларнинг кўзи икки полвонда енгилган полвон Куззот «Ҳўкиз» четроқда, ошналари доирасида туриб, майдонга тушган амир билан «Дев»ни кузатишар, лекин сопол кўзада олиб келиб қўйилган шарбатдан ичар, чанқовини босолмас эди. Шу аснода амир Алп Арслон «Дев»ни ўзига тортиб, оёғини ердан узмоқчи бўлди, аммо бу давангир оёғини ердан узмоқлик Аёзқалъа қўрғонини ердан узмоқ билан баробар эди. Чалиб йиқитмоқ — номардлик. Бир неча усталик қилиб, эски машқу ҳунарларини солиб, «Е, Али!», деб уни ёнбошга олмоқчи бўлди, бу ҳам бўлмади. Узоқда шарбат ичиб турган Куззот паҳлавон кулди, «Бу ярамас қора фил экан, филнинг умуртқа суягини букиб бўлмайди...»

Бу қора полвоннинг Хоразм тупроғида пайдо бўлгани фақат Куззотга эмас, бошқа полвонларга ҳам ёқмай қолган эди. Уни топиб келиб, парвариш қилган амирдан ҳам хафа эдилар. Лекин ҳозир майдон ичида ўз эгасини ерга уриб, шарманда қилишлигини кўплар, айниқса шаҳзода Сулаймоншоҳ жуда-жуда истарди ва бундай манзарани жон-дили билан кутиб турарди.

Амир Алп Арслон ал-Мисрийга нисбатан анча жуссаси кичик бўлгани билан шаҳзодага нисбатан дуркун, қомати келишган, турган-битгани пай, отга минганида от билан бир тану бир жон бўлиб кетарди.

Бир муддатдан кейин амир жунбушга келиб, бор кучини ишлатиб, давангирни ўзига тортган эди, бесўнақай «фил» ўзини бўш тутди. Ўзининг оғирлигини, уни ердан узиб, кўкрагигача кўтариб бўлмаслигини фаҳмлаган давангир ҳадеб бел ушлаб, доирани айланабермай, тўсатдан амир оёғи остига орқаси билан қулади. Аламоннинг кулгисини кўтариб, йиқилган полвон «Ҳўкиз»га ўхшаб чалқанча ётди.

Бирдан аламонда қийқириқ кўтарилди, мингларча ёш навкарлар амирнинг чайирлиги, «гап гавдада эмаслиги, тажрибаю маҳоратда эканини» айтиб, қийқиришди. Ҳатто баъзи хоразмликлар ўз ватандоши амир ғалабасидан қарсак уриб, «қора дев»ни масхара қилдилар. Лекин йигит оғаси икки шаҳзода, ноиблар Муҳаммад Али ал-Мисрий қора паҳлавоннинг ўз хўжасига атайин йиқилиб берганини тушуниб турардилар.

— Ўйин шартини буздинг! —деди амир ерда ағанаб ётган қора паҳлавонга дарғазаб боқиб.

— Бузганим йўқ, чарчадим... Толдим... Йиқилдим... Сиз ғолиб келдингиз! Наҳотки шу гапни менга айтасиз, ҳазрат!

— Ишонмаймен! Сен чарчайдиган эмассан!

— Амир ҳазратлари, гап кучда эмас, маҳоратда. Худо ҳаққи, рост сўзлайман, мен енгилдим.

— Тур энди! Туққан хотунга ўхшаб ағанаб ётма!

— Ҳо-ҳо-ҳо-ҳо-о! Мана, тураман.— У ўрнидан тўриб этагини қоқди.

Йигит оғаси шоп мўйлаблик эски полвон хурсанд, чақнаб келиб, амирни табриклади.

— Йиқитдингиз амир, мен шундай бўлишини билардим!

Амир индамади. Улар майдондан чиқиб, дўнгликка — шаҳзодалар ёнига бораётган эди, шаҳзода Сулаймоншоҳ турган еридан бир неча қадам олдинга юриб келиб, амирни навозиш этди. Гарчи бу кураш унча ҳалол бўлмагани, ўз қули хўжасига йиқилиб берганини фаҳмласа ҳам, рўпарасида эл қатори бир мансабдор кимса эмас, жангари ва доно амир турганини, бу шахс билан шоҳ ҳам ҳисоблашадиган Алп Арслон турганини кўриб, унга таъвозе кўрсатди.

— Боя айтганимдек, қора қўчқор салтанатдан узоқ кетмайдиган бўлди,— деди шаҳзода,— яхши бўлди, мисрликнинг таъзирини бердингиз!

Амир индамай итоат этиб турди.

— Кураш тамом, энди гўс ноғоралар чалинсин, қиличлар ғилофдан суғирилсин, машқни бошлаймиз! — деди ингичка овозида фармон бериб шаҳзода Сулаймоншоҳ.

Карнаю ноғоралар гумбурлаб, кенг далани жунбушга келтирди. Йигитларнинг ҳар бири шеру нар бўлиб, шарақа-шуруқ, қиличбозлик бошланиб кетди.

Шу пайт мағлуб Куззот паҳлавон атрофидаги кимсадан бири кураш тўнини ечиб, машққа киришга ҳозирланаётган Муҳаммад Али ал-Мисрий полвон ёнига келиб, чинни косада салқин шарбат тутди. Шарбатни аввал хожага суниб, кейин хизматкор ичмоғи одат эканлиги дарҳол ёдига тушган амир Алп Арслон қора полвон қўлидаги чинни косани олиб, бояги рангсиз шахснинг хўжаси Куззотга узатди. Куззот ичмади. Амир унинг қўлидан олиб, рангсиз ўша одамга тутди.

— Ич! Шарбат сунган одам аввал ўзи ичади. Агар ичмасанг, бошингни узиб ташлайман! — у дарҳол қиличини қинидан суғуриб олди.

Лекин ранги зоҳир кимса қиличдан чўчиб кетгандек косани ерга ташлаб юборди. Шарбат тўкилиб, коса синди.

— Муҳтарам амир, бу шахсга тегманг — деди дарҳол Муҳаммад Али ал-Мисрий саркарда қўлини ушлаб — бир қошиқ қонимдан кечинг, унинг болачақаси кўп. Менинг учун маҳв этилмасин, худо бор, бизга қасд қилган бўлса худонинг ўзи унга жазо берсин!

Амир Алп Арслоннинг ранги оқариб, кўзлари олакула бўлиб турарди, паҳлавоннинг ёлборишлари қилган илтижосидан сўнг у қиличини қинига тиқиб, ал-Мисрий билан ёнма-ён ҳарбий машққа кириб кетди. Кета туриб у Куззотга тикилди-да «Ҳе, номард!» деган гапни эшитар-эшитилмас айтди.

1993 йил,
Тошкент.

[1]) Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ — Отсиз. Шу лақаб билан машҳур бўлиб, мелодий ҳисобида 1127 дан 1156 йилларгача Хоразм, кейинчалик Мовароуннаҳр ҳукмдори бўлган.

[2]) Анўштакин Гарчоий, унинг бобоси, мелодий 1077 дан 1097 йилларгача Хоразм давлати тахтини эгаллаган.

[3]) Маош ва отига ем-хашак пули.

[4]) Сипоҳсолар — олий бош қўмондон.

• *Сўраган эдингиз?*

БОДНИНГ ДАВОСИ БОР

«Мен илгарилари тез-тез шамоллаб турардим. Яқинда қўл-оёқ бўғинларим шишиб кетди. Врачга учрасам, бод касалига чалинибсиз, деди. Аввалларида бу хасталик фақатгина катта ёшдаги кишиларда учрашини эшитардим. Наҳотки, 22 ёшимда мен ҳам шундай дардга чалинсам? Бодни тўлиқ даволашнинг иложи борми? Шу ҳақда шифокор маслаҳатига муҳтожман.

ҒАЙРАТБЕК,
Тошкент шаҳри».

Бод — юрак-қон томирлари, бўғимлар ва инсон танасидаги бириктирувчи тўқималарнинг яллиғланиши туфайли пайдо бўладиган касалликдир. Тиббиётда бу хасталик ревматизм деб юритилади. Бод бутун дунёда кенг тарқалган. Беморларнинг деярли 80 фоизи ўзлари билмаган ҳолда 7 — 15 ёшлик даврларидаёқ бу иллатни орттириб олишади. Зах жойларда яшаш, намлик, сув, бўғланиш меёрдагидан юқори бўлган корхоналарда узоқ вақт ишлаш, айниқса ёшларнинг куз ва баҳор фаслининг намгарчилик кунларида юпун кийинишлари оқибатида жисмонан чиниқмаган организм тез совқотади. Бундай пайтда стрептокок микроблари юқори нафас йўлларига тушиб, бодомча безларининг ангина, қулоқ ва бурунниг отит, гайморит касалликлари билан мураккаблашади.

Шу касалликлардан даволангач, орадан 10—14 кун ўтиб тана ҳарорати яна кўтарилса, тизза — болдир, оёқ панжаларининг бўғимлари, тирсак, билак-қўл панжаларининг бўғимларида оғриқ пайдо бўлса бод касаллиги бошланганлигидан даракдир. Бўғимларнинг қизариб чиқишини биз шифокорлар ревматик полиатрит деб юритсак-да, бод касаллигининг муҳим клиник белгиларидандир.

Бундай пайтларда ҳам бемор даволанишга эътиборсиз қараса юракнинг ташқи пардаси, мускул қабатлари, юрак бўлмачаларию қопқоқлари зарарланади. Оқибатда беморда ревмокардит касаллиги пайдо бўлади. Бунда беморларнинг тана ҳарорати кўтарилиб, толиқиб, ҳансирайдиган юраги тез-тез урадиган ва тутиб оғрийдиган бўлиб қолади. Борди-ю, ўпка тўқималари зарарланса, демак зотилжам касаллиги билан мураккаблашган бўлиб, тана ҳарорати кўтарилиб, нафас қисади. Йўтал тутиб айрим ҳолларда қон аралаш балғам кўчади, ўпка хириллайдиган бўлиб қолади. Ҳатто унда суюқлик тўпланади. Бод туфайли ўпка пардасининг зарарланиши — ревматив плевритдан далолатдир. Бод буйракни зарарлаганда, буйрак жомларининг яллиғланиши, нефрит гломерулонфрит деган касалликларни келтириб чиқаради.

Боднинг чуқур илдиз отиши одам организмидаги асаб толаларининг зарарланиши билан кечади. Бу ҳол болаларда ўта қўзғалувчанлик, тез толиқиш, беихтиёр оёқ-қўлларнинг учиб туриши билан намоён бўлади. Бироқ асаб толаларининг зарарланиши ёши катта кишиларда оғир кечади. Бунда беморларда жуда эринчоқлик одати пайдо бўлиб, эрталаб ўрнидан турғиси келмайди. Ўз вақтида даволанмаслик кўл-оёқ панжаларини тортишиб, ҳаракатини чегаралаб қўяди. Ҳатто меҳнатга яроқсиз бўлиб қолиш ҳам ҳеч гап эмас. Шунинг учун аҳволни кўнгилсиз воқеалар билан тугашгача олиб бормаслик керак.

Ҳозирги кунда дори-дармонлар тақчиллиги тўғрисида кўп гапираяпмиз, бироқ бод касаллигидан тўлиқ фориғ этиш имкониятига эга эканлигимизни ҳам алоҳида қайд қилмоқ зарур. Ўзбекистондаги барча поликлиникаларда бод касаллигини аниқлаб, вақтида даволовчи мутахассислар ҳамда алоҳида диспансерлар бор.

Тошкент Давлат 1-тиббиёт институти клиникаси қошида профессор Р. А. Қорабоева бошчилигидаги ишлаб турган махсус республика ревматология маркази боднинг ҳар қандай оғир турларини ҳам даволашга қодир. Шундай клиника 2-тиббиёт институти таркибида ҳам мавжуд.

Бундан ташқари, бодни даволашда Чорток, Чимён каби қатор санаторияларда дори-дармонлардан ташқари қуёш, сув, балчиқ, туз, парафин, каби табиий манбалардан ҳам кенг фойдаланилаяпти. Халқимиз орасида бодни даволашда сегаза қумлардан ҳам фойдаланиш қадимдан одат тусига кирган. Бу жуда катта имконият, бироқ, ундан фақат шифокорлар назорати ва тавсияси асосида фойдаланмоқ зарур.

Бодга чалинган беморларни даволашда жисмоний машқларни бажариш стационарларда бошланади. Кейинчалик бу машғулотларни қайта-қайта такрорлаб, уларни кўпайтириб бориш тавсия этилади. Шунингдек, бод касаллигига чалинган беморлар оқсил ва витаминларга, айниқса, С витаминига бой бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишлари лозим. Ош тузи ва углеводлар кам истеъмол қилингани маъқул. Бемор кейинчалик эса махсус диспансер ҳисобида туриб мавсумга қараб вақтивақтида даволаниб туради.

Лекин шунча ташвиш, касалхонама-касалхона югуриб-югурдан кўра бод касалининг олдини олган маъқул. Бунинг учун ҳар бир киши, айниқса ёшлар об-ҳаво шароитига қараб кийинишлари керак. Сўнггги пайтларда кўчалардаги тижорат дўконларида чиройли, енгил чет эл кийимлари кўпайиб бораяпти. Бу кийимлар бизнинг иқлим-шароитимизга мос келадими, йўқми, буёғи билан қизиқишмайди. Оқибатда юпун кийиниш касалликка олиб келади.

Борди-ю, киши томоқ, қулоқ-бурун касаллигига чалинса ёки шу аъзоларда сурункали касаллик бўлса яхшилаб даволаниши лозим. Зарур бўлса, операция қилдириши керак. Кишилар ёшликдан жисмоний машқларни мунтазам бажаришга одатланишлари, овқатланиш ва дам олиш тартибларига қатъий амал қилишлари бод хасталиги олдини олишнинг энг муҳим омилларидан биридир.

Номоз ШОНАЗАРОВ,
тиббиёт фанлари номзоди.

Ўзбекистон телерадио компанияси жамоаси Реклама-тижорат маркази директори Х. Саломовга онаси

Ҳури САЛОМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

«Ўзбектуризм» Миллий Компанияси раҳбарияти девони жамоаси, Раис биринчи ўринбосари Акром Ёқубович Тошматовга волидаи муҳтарамалари

ФОТИМА АЯнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖУРАБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдунаби БОЙҚУЗИЕВ, Эсиргап БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Эркин ВОҲИДОВ, Миракмал МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қулаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲЁЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Муҳаммаджон ҚОРАБОЕВ, Саидаҳрор ҒУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Ленинград кўчаси, 19-уй.

Таҳririятга ҳажми 7 қоғоздан ошган материаллар қабул қилинмайди. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди: 20.30. Буюртма Г—85. Тираж 104593. 1 2 3 4 5 6